

X-68



ЭРКИН ХОЖИЁВ

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЭРКИН ҲОЖИЕВ

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА

Тошкент – 2004

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Давлат юридик институти ўқув услубий кенгаши мажлисининг 2004 йил 26 январ 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: М.Х.Рустамбоев - юридик фанлар доктори,
профессор.

Тақризчи: О.Махмудов - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Маъмурий ҳуқуқ» кафедраси бошлиғи;

Ўқув қўлланма - Ўзбекистон Республикасининг давлат хизмати-га бағишланган бўлиб, унда муаллифлар, маъмурий ҳуқуқ тизимида юзага келаётган янги давлат хизматининг тугган ўрнига янгича ёндо-шишга уринган ҳамда давлат хизматини ташкил этиш ва амалга оши-ришга қаратилган назарий билимларни тизимлаштиришга ҳаракат қилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳуқуқий асослари, тамойиллари, давлат хизматининг вазифа ва функ-циялари, давлат хизматчилари, уларнинг таснифи ва ҳуқуқий ҳолати, давлат хизматини ўташ, шунингдек, давлат хизмати билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик факультети талабаларига мўлжаллаб тайёрланган.



Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўз тараққиёт йўлини эркин белгилаш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек: «Биз учун мустақиллик - ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни, ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлидир».¹

Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқининг манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди.

Демократик тамойилларга асосланган эркин бозор муносабатларига ўтиш изчил тарзда эскича тартибларга барҳам бериш, унинг ўрнига янги бозор тартибларини аста-секин жорий эта бориш, иқтисодда, сиёсатда, маданий-маънавий ҳаётда туб ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни янгилаш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши ҳамда тараққиёт йўли сифатида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаши - давлат тузумида туб ислоҳотлар амалга оширилишини тақазо этди. Бу борадаги асосий қадам - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек: «..ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».²

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 й.

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., Ўзбекистон, 1994, 185-б.

Конституция асосида барча соҳалардаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш иши жадаллаштириб юборилди.

Юридик адабиётларда, охирги вақтларда, маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал фанларни, маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бўлган эътибор янада кучайтирилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш мақсадида янги лойиҳадаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳамда Маъмурий-процессуал кодексни ишлаб чиқиш жараёни бошлаб юборилди. Бу орқали, олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик йўналишида, маъмурий ҳуқуқ фанини ўрганишга янгича ёндошилмоқда.

Шу билан бирга, таниқли олимлар Ю.Н.Старилов, Д.Н.Бахрах, Г.Брэбан ва бошқаларнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммоларни чуқур ўрганиш, маъмурий ҳуқуқни ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича билдирган фикрларига, қўшилмасдан бўлмайди.¹

Маъмурий ҳуқуқ фанини ўрганиш жараёнида, Давлат мустақиллигидан сўнг юз берган ўзгаришларни ҳам инobatга олиш, янги Маъмурий ҳуқуқ ўқув курсини шакллантиришда ҳорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасида янги давлатчилик шаклланаётган бир даврда, давлат хизматининг давлат вазифа ва функцияларини амалга оширишдаги аҳамияти ва ўрни ошиб боради. Давлатнинг мақсадга мувофиқ ва самарали фаолият олиб бориши, кўп жиҳатдан, давлат органларида меҳнат қилувчи хизматчиларга боғлиқ бўлади.

«Давлат хизмати» ўқув қўлланмаси - Ўзбекистон Республикасининг янги қонунчилиги асосида, давлат хизматининг назарий-ҳуқуқий масалаларини ёритиб беришни, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётига эътиборни кучайтиришни, уни қайта ташкил этишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни, давлат хизмати қонунчилигини, давлат бошқарувини кадрлар билан таъминлаш ишини самарали ташкил этишни такомиллаштиришни назарда тутди.

Ўқув қўлланмада тадқиқот объекти сифатида - давлат хизмати, унинг назарий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатлари олинган.

¹ Қаранг: Ю.Н.Старилов. Службное право. Учебник. М., БЕК, 1996, С.1

«Давлат хизмати» ўқув қўлланмасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, давлат хизмати назариясининг ўзагини ташкил этувчи асосий элементлар – замонавий давлат хизматининг тушунчаси ва моҳияти, турлари, вазифа ва функцияларини, шунингдек, давлат хизматини бошқаришни ўрганиш;

иккинчидан, давлат хизматининг тамойилларини ёритиб бериш;

учинчидан, давлат хизматининг конституциявий асосларини ёритиб бериш;

тўртинчидан, давлат хизмати институтининг ташкил топиши, унинг моҳияти, тузилиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;

бешинчидан, давлат хизмати соҳасидаги ҳорижий тажрибани ўрганиш;

олтинчидан, давлат хизмати муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

еттинчидан, давлат хизмати қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

саккизинчидан, давлат хизмати ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ажралиб чиқишини асослаб беришга ҳаракат қилиш ва бошқалар.

Ўқув қўлланмада, муаллиф, давлат хизматини замонавий ташкил этиш ва унинг функцияланиши масалалари ҳамда муаммоларини ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Ўқув қўлланмада кўрсатиб ўтилган кўпгина масалалар мунозарали бўлиши мумкин. Муаллиф, давлат хизматини такомиллаштириш бўйича билдирилган ҳар қандай таклифлар ва тавсияларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

1§. Маъмурий ҳуқуқ ва давлат хизматининг ўзаро муносабати

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқ фанида - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи ҳамда илмий-назарий тадқиқот предмети сифатида - туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларнинг шаклланиши ва чуқурлашиб бориши, давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниши ва самарали ижро ҳокимиятининг ташкил этилиши, давлатчиликни мустаҳкамлаш зарурияти, замонавий ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, давлат бошқаруви назарияси ва амалиётининг ўзгариши - буларнинг барчаси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал ўзгаришларни таъминлашга қаратилгандир. Бу ҳолат, маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи, ўқув фани ва ўқув курси сифатида янгилианишини ва қайта ташкил этилишини тақазо этади.

Маъмурий қонунчилик - кўпгина ички соҳаларга эга эканлиги, доимий ҳаракатдалиги ва ўзгаришлари билан тавсифланади. Бундай ҳолатни «Маъмурий ҳуқуқ» фанида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, беш йил аввал, давлат хизмати тўғрисида, фақатгина маъмурий ҳуқуқнинг институти сифатида гапириш мумкин эди. Ҳозирда эса, қонунчиликнинг ривожланиши билан, давлат хизмати ўзининг мустақил предмети ва тартибга солиш усулларига эга бўлмоқда, яъни мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланмоқда.

Давлат хизмати, аста-секинлик билан, кучли ҳуқуқий базага эга бўлиб бормоқда ҳамда яқин келажакда ҳуқуқ тизимининг мустақил соҳаси сифатида жорий этилиши мумкин.

«Давлат хизмати» атамаси тўрт асосий аспектда, яъни ҳуқуқнинг тегишли соҳаси; қонунчилик соҳаси; ҳуқуқий фанларнинг соҳаси; олий ўқув юртларида ўрганиладиган ўқув фани сифатида қўлланилиши мумкин.

Давлат хизмати масаласига бағишланган юридик адабиётларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, «Давлат хизмати» ўқув курси ва унинг предмети муаммоси олимлар ўртасида муҳокама қилинмаган, етарлича эътибор берилмаган. Шунинг учун ҳам бу масалаларни муҳокама қилишда турлича фикрларнинг юзага келиши мумкин. Баъзи бир олимлар «хизмат

ҳуқуқи» атамасининг ўзини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб кўрсатса, баъзи бирлари эса, хизмат ҳуқуқининг маъмурий ҳуқуқнинг ички соҳаси сифатида, учинчи гуруҳ олимлари эса, хизмат ҳуқуқини комплекс соҳалар таркибига киритади. Бундан ташқари, хизмат ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, Ю.Н.Стариков ўзининг «Служебное право» дарслигида давлат хизматини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида асослаб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга унинг кўрсатишича, хизмат ҳуқуқи - маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисми бўлиб, давлат хизматини ташкил этишдан бошлаб токи унинг функцияланишигача бўлган жараёни, яъни: ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат бошқарув органлари, бошқарув усуллари ва маъмурий-ҳуқуқий шакллар, давлат мажбурияти, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимиятидаги контрол ва назорат каби маъмурий-ҳуқуқий институларни ўзида бирлаштиради.¹

Ҳуқуқшунос олим Б.Н.Габричидзенинг фикрича: «Давлат хизмати ўқув курсини ўрганиш жараёнида - фалсафий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар (биринчи навбатда, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фанлари) бўйича билимларни, усул ва шаклларни бирлаштириш лозим бўлади.»²

Бундан ташқари баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар хизмат ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ соҳалари таркибига киритиб, уни ўрганишда қуйидагиларга эътиборни қаратишни кўрсатиб ўтади:

- давлат хизмат муносабатларининг юзага келиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари;
- давлат хизмат муносабатларининг ўзгариши;
- давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини бажармаганлигидан келиб чиқадиган оқибатлар;
- интизомий жавобгарликларни қўллаш;
- давлат хизмати муносабатларида ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя ва бошқалар³.

¹ Стариков Ю.Н. Служебное право. Учебник. Москва, БЭК, 1996, с.4-5

² Габричидзе Б.Н., Коланда В.М. Принцип профессионализма в государственной службе // Государство и право. 1995. №2. С.19-26.

³ Бакрач Д.Н. Государственная служба в Российской Федерации. Екатеринбург, 1995.

Маъмурий ҳуқуқнинг давлат хизмати билан ўзаро муносабати шу билан изоҳланадики, уларнинг ҳар иккаласи ҳам тартибга солишнинг умумий предметиға эгадир. Лекин шу билан бирга буларнинг тартибга солиш предметида маълум бир ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Жумладан, маъмурий ҳуқуқнинг предметиға давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалға ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар кирса, давлат хизматининг предметиға давлат хизматини ташкил этиш ва уни амалға ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар киради. Давлат хизмати муносабатлари нафақат давлат органларининг ижрочилик фаолияти жараёнида, балки давлат ҳокимиятининг бошқа соҳаларида ҳам юзага келади. Давлат хизмати предметиға кирувчи ижтимоий муносабатларнинг аксариятини, конституциявий, меҳнат, жиноят, фуқаролик ҳуқуқлари билан тартибга солинадиган муносабатлар ташкил этади. Давлат хизматчилари кенг кўламдаги вазифаларни амалға ошириши сабабли хизмат муносабатлари нафақат давлат бошқаруви, балки юрисдикциявий (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) фаолият соҳасида ҳам юзага келади.

Демак, давлат хизмати предметиға кирувчи ижтимоий муносабатларни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалға ошириш жараёни билан боғлашнинг ўзи етарли эмас. Давлат хизмати муносабатлари давлат фаолиятининг деярли барча соҳаларида юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Лекин, давлат хизмати ва маъмурий ҳуқуқ ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Давлат хизматини ташкил этишдан бошлаб токи уни ўташгача, давлат хизмат муносабатларининг бекор бўлишигача бўлган жараёнда маъмурий ҳуқуқ меъёрлари иштирок этади.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, давлат хизмати ва маъмурий ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро муносабатни белгилашда «*давлат-хизмат муносабатлари*»нинг тутган ўрни каттадир. Давлат-хизмат муносабатлари бир неча ўзига хос хусусиятларға эгадир:

биринчидан, бу муносабатлар давлат-ҳуқуқий муносабатлари бўлиб ҳисобланади, яъни давлат-хизмат муносабатлари оммавий ҳуқуқ (давлат, маъмурий) меъёрлари билан тартибга солинади ва кўпгина ҳолатларда хусусий-ҳуқуқий тартибга солишдан ҳолидир;

иккинчидан, давлат-хизмат муносабатлари-алоҳида ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, давлат хизматчиларининг мақоми билан боғлиқдир;

учинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат хизматчиларининг ишонч, хизмат ва садоқат муносабатларидир;

тўртинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат-ҳуқуқий ҳокимият муносабатларидир;

бешинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат лавозимини бошқариш билан боғлиқ, яъни давлат хизматчиси давлатнинг функцияларини амалга ошириб, маълум бир давлат вазифаларини бажаради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқ» фанида юз берган ўзгаришлар нималардан иборат?

2. «Давлат хизмати» атамаси бўйича олимлар қандай фикрларни билдиришган?

3. «Хизмат ҳуқуқи» комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида нимани англатади?

4. «Маъмурий ҳуқуқ» фанининг «Давлат хизмати» билан ўзаро муносабатлари.

5. «Давлат хизмати» предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар.

6. Давлат-хизмат муносабатлари деганда нимани тушунаси?

28. Давлат хизматининг тушунчаси ва мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига эриши билан ўзининг тараққиёт йўлини эркин белгилаш имкониятига эга бўлди. Янги ўзбек давлатчилигининг шаклланиши шароитида давлат ва маҳаллий органларни ва ундаги давлат хизматини шакллантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти туғилади. Шу сабабли давлатимизнинг тараққиёти, биринчи галда, давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Давлат хизмати моҳиятини ва унинг асосий хусусиятларини аниқлашдан олдин, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали фаолият турлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим. Буларни, биз қуйидаги шаклларга бўлишимиз мумкин:

➤ товарлар, моддий бойликлар ишлаб чиқариш, маълум бир хизматлар кўрсатиш;

➤ номоддий бойликлар яратиш (маънавий бойликлар): китоблар, мақолалар ёзиш, кино ва видеофильмлар яратиш, сценарийлар тайёрлаш;

➤ ижтимоий-маданий фаолият (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.лар);

➤ давлат хизмати, яъни давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиш:

а) ижтимоий-маданий соҳаларни (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш) бошқариш;

б) иқтисодиёт соҳаларини (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари) бошқариш;

в) маъмурий-сиёсий соҳаларни (мудофаа, давлат хавфсизлиги, адлия, ички ишлар, ташқи ишлар) бошқариш¹;

➤ нодавлат, жамоат, диний, халқаро, ҳорижий ташкилотларда хизмат кўрсатиш;

➤ жамиятнинг турли соҳаларида маълум бир эҳтиёжларни қондириш мақсадида ижтимоий фаолият билан шуғулланиш ва бошқалар.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олими Бахрах Д.Н.нинг фикрича: «Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақ-

¹ Алексин А.П., Козлов Ю.М., Кармолицкий А.А. Административное право Российской Федерации. Москва, Зерцало, 1996, с.76-236.

садга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири - бу хизматдир. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури сифатида, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин.

Хизмат - бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.»¹

Хизматнинг (шу жумладан, ижтимоий фойдали фаолиятнинг) асосий тури - бу давлат хизмати ҳисобланади. Кўпгина дарсликларда давлат хизмати давлат органлари ҳодимларининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти сифатида кўрсатиб ўтилади.²

Таниқли рус ҳуқуқшуноси Манохин В.М.нинг фикрича: «давлат хизматининг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини, давлат хизматининг вазифа ва функцияларини - давлат хизмати ва давлат вазифалари, функциялари, давлат фаолияти шакллариининг ўзаро нисбати орқали аниқлаш мумкин.»³

Турли ташкилотларнинг хизматчилари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида ўзига хос муносабатларга киришади. Бу муносабатларнинг мазмунини хизмат тури ҳамда хизмат олиб борилаётган ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб беради. Жумладан, хизмат муносабатлари:

биринчидан, давлат-хизмат муносабатларига;

иккинчидан, жамоат бирлашмаларидаги ва бошқа нодавлат ташкилотларидаги (хусусий, тижорат ташкилотларидаги) хизмат муносабатларига бўлинади.

Юқоридагиларга асосланиб, хизматчиларнинг қандай дивозим эгаллаши ва қайси ташкилотда ўз мажбурият ва вазифаларини бажаришига қараб, уларни қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

- давлат органларининг хизматчилари;
- маҳаллий органларининг хизматчилари;
- давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг хизматчилари;
- нодавлат ташкилотларнинг хизматчилари;
- жамоат бирлашмаларининг хизматчилари ва ҳ.к.лар.

¹ Покряк Д.Н. Административное право. Москва, 1993, с.97.

² Каранс, Административное право. Москва, 1985, с.123.

³ Манохин В.М. Государственная служба. Москва, 1966, с.5.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олими Козлов М.нинг фикрича: «давлат хизмати деганда - давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар қандай фаолият тушунилади»¹.

Давлат хизматига бундай ёндошиш меҳнат фаолиятининг икки шаклига асосланади:

биринчидан, бевосита моддий бойликларни, товарларни яратиш (ишларни бажариш);

иккинчидан, бошқарувни, раҳбарликни, контрол ва назоратни амалга ошириш. Бунда маънавий бойликлар яратилиши мумкин ёки давлат органларининг функциялари амалга оширилиши мумкин.

Инсонлар томонидан олиб бориладиган хизматлар ичида давлат ва маҳаллий органларда амалга ошириладиган хизмат асосий ўринни эгаллайди.

Давлат ва маҳаллий органларидаги хизматнинг зарурияти давлатнинг мавжуд бўлишидан, унинг вазифа ва функцияларидан, шунингдек, давлат органларини (қонунчилик, ижро этиш ва суд ҳокимияти) ташкил этиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан хизматчилар кўпгина давлат органлари структурасида, муассаса ва ташкилотларида, бошқарув ҳамда бошқарилувчи тизим ичида персонал сифатида ҳаракат қилади; уларнинг ўз вазифаларини виждонан бажариши давлат ва жамиятда ҳуқуқий тартиботни ўрнатишда хизмат қилади.

Давлат хизмати тушунчасини бир неча маъноларда кўриб чиқишимиз мумкин:

ижтимоий маънода, яъни рус олими Бахрах Д.Н.нинг фикрича: “давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш”²;

сиёсий маънода - давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқилган сиёсий куч орқали эришиш; давлат хизмати жамиятдаги мувозанатнинг асосий кўринишидир;

ҳуқуқий маънода - давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш бўлиб, мансаб мажбуриятлари, хизматчилар-

¹ Административное право. Под ред. Ю.М.Козлова. Москва, 1973, с.136-137

² Бахрах Д.Н. Административное право. Москва, 1993, с.102.

нинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси ба-
жарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимо-
ий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат
хизматининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қили-
шни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатла-
рини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисидан иборат бўлиб,
у орқали хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, улар-
га белгиладиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хи-
зматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва
бескор бўлиши тартибга солинади. Демак, давлат хизмати ҳу-
қуқий институт бўлиб, турли ҳуқуқ соҳаларининг меъёрла-
ридан ташкил топади, кичик институтларни ўз ичига олади;

ташкिलий маънода - давлат хизмати давлат аппарати-
нинг ташкиллий-функционал элементлари билан алоқада бў-
лади; у қуйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифа-
тида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташки-
лий ва процессуал асосларини ташкил этиш, лавозимларнинг
қурилиши ва уларнинг ҳуқуқий қўрилиши, ходимларни аниқ
лаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни мустаҳкамлашнинг
ҳуқуқий асоси бўлиб, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди
ва фуқаролик жамиятининг нормал функцияланишини таъ-
минлайди.

«Давлат ва маҳаллий органларида амалга ошириладиган
хизмат, - рус олими Ю.Н.Стариловнинг фикрича, - бу омма-
вий хизмат бўлиб, оммавий ҳокимият органларидаги хизмат-
дир. Одатий назария нуқтаи назаридан давлат хизмати де-
ғинда давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва
бир лашмаларида амалга ошириладиган хизмат тушунилади.
Хусусий ташкилотларнинг, корхоналарнинг, банклар ва бош-
қа корхона ва ташкилотларнинг хизматчиларини, фақатгина
ижтимоий нуқтаи назардан, хизмат муносабатлари тизимига
киригиш мумкин.

Охириги вақтларда кўпгина ривожланган давлатларда
халқ ноиблари (депутатлар) томонидан олиб борилаётган хиз-
мат профессионал иш сифатида намоён бўлмоқда. Лекин де-
путатлар давлат хизматчилари ҳисобланмайдилар. Давлатда
олий мансабларни эгаллаб турган шахслар ҳам (Президент,
ишқиллик ва ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, ва-
зирлар ва бошқалар) давлат хизматида эмас. Улар оммавий-
ҳуқуқий хизмат мақомига эга ҳамда ўз вазифаларини маъ-
лум бир даврда амалга оширишлари мумкин. Масалан, Фар-

бий Европа ёки Америка Қўшма Штатларини олиб қарайдиган бўлсак, улардаги олий мансабдор шахслар оммавий хизмат таркибига киритилмаган.

Лекин, мазкур давлатларнинг оммавий хизмат тизими билан танишиб чиққанда, баъзи бир қарама-қаршиликларни (масалан, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини «вақтинчалик» бажариши билан давлат хизматига умрбод тайинлаш принципи ўртасида) кўришимиз мумкин. Муҳим давлат-маъмурий функциялар давлат хизматига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган хусусий шахслар (масалан, хусусий нотариуслар) томонидан бажарилади.»¹

Давлат хизмати тушунчасини кенг маънода олиб кўрадиган бўлсак, бу давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланувчи барча шахсларнинг фаолиятидир.

Рус олими Манохин В.М. томонидан давлат хизматига берилган тушунча юридик адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унинг фикрича, давлат хизмати - бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далаат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.

Лекин, юқорида берилган таърифга нисбатан кўпгина олимлар ўз эътирозларини билдиришган. Жумладан, рус олими Лазарев Б.М. унинг қуйидаги камчиликларини кўрсатиб ўтган: биринчидан, давлат хизмати давлат хизматчиси атамаси билан белгиланган; иккинчидан, давлат хизматчилари нафақат давлат функцияларини, балки бошқа фаолият турини ҳам амалга оширадилар (масалан, врачлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар ва бошқалар); учинчидан, Манохин В.М. томонидан берилган таърифда икки ҳолат, яъни давлат хизмати ҳамда уни ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган фаолият умумлаштирилган. Лазарев Б.М. давлат хизматига қуйидагича таъриф беради: «давлат хизмати – давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган

¹ Стариков Ю.Н. Служебное право. Москва, изд. БЕК, 1996, с.131.

вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир.»¹

Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган тамойиллар ва бошқа ҳолатларга асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқаролар эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда асосий масалалардан бири - бу Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг умумий томонларини тартибга солувчи ягона қонун қабул қилиниши лозим. Масалан, Россия Федерациясида 5 июл 1995 йил «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлиб, давлат хизматига тааллуқли бўлган асосий масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Мазкур қонуннинг 2-моддасига биноан давлат хизмати деганда - давлат органлари ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият тушунилади. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1) давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир;

2) мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг компетенцияси амалга оширилади;

3) бу фаолият давлат органларининг функцияларини таъминлашга қаратилгандир;

4) бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мансаб мажбуриятлари давлат хизматига эмас, балки давлат хизматчисига тегишли бўлади. Бу ерда биз, давлат хизмати тушунчасининг шахсий аспектини кўришимиз мумкин.

Демак, давлат хизматининг юқорида берилган талқинидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат хизмати - бу хизматчиларнинг вакиллик, ижро ва суд ҳокимияти органларидаги профессионал фаолиятидир.

¹ Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.

Давлат хизмати тушунчасини функционал маънода ҳам олиб қарашимиз мумкин. Функционал маънода давлат хизмати давлат фаолиятининг, давлат органлари аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмалари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан давлат хизматчилари:

➤ фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;

➤ бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан ҳуқуқий-ҳокимият кўрсатмаларини амалга оширадилар, масалан, фармойиш ва буйруқлар бериш, кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.лар;

➤ юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектларига нисбатан давлат мажбурулов чораларини қўллайдилар, масалан, интизомий, маъмурий ва бошқалар;

➤ ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар, масалан, мажлислар, йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

➤ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, чунки уларнинг фаолияти жараёнида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Давлат хизматчилари фаолиятининг барча шакллари давлат томонидан амалга ошириладиган раҳбарликнинг зарурий элементлари бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Хизматчилар аксарият ҳолларда маъмурий функцияларни амалга оширадилар, масалан, бошқарув, ташкиллаштириш, контрол, режалаштириш, ҳисобга олиш, раҳбарлик ва бошқалар. Бошқарув ходимлари ўзининг мақсади, вазифалари, мазмуни ва натижалари жиҳатидан ижтимоий меҳнат билан банд бўлади. Бундай бошқарув фаолияти жараёнида, қои да бўйича, моддий бойликлар бевосита яратилмайди. Бу фаолият асосан ижтимоий ривожланишнинг, давлат қурилишининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, аниқ бир давлат-ижтимоий организмни ташкил этиш, жамият фаолиятини тартибга солишга қаратилади. Хизмат-

чиларнинг меҳнати - инсонларнинг онгига таъсир этувчи интеллектуал, руҳий, жавобгар фаолият тури бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматининг умумий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиларининг давлат хизматини давлат органида назарда тутилган штат жадвали асосида олиб бориши;

иккинчидан, давлат хизматчиларининг белгиланган пул мукофоти эвазига давлат органи ваколатларини, мансаб мажбуриятларини амалга ошириши.

Инсонлар томонидан амалга ошириладиган хизмат тўғрисида гапирганда, нафақат давлат хизмати тўғрисида, балки маҳаллий органларда ҳам амалга ошириладиган хизматнинг моҳиятини ҳам билиб олишимиз лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига асосий принципи муносабати ҳамда давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларнинг ўзгариши билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида лавозимларни хизматчиларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этувчи маҳаллий органлар хизматчилари эгаллайди. Маҳаллий органлар хизматчиларининг тушунчаси, турлари ва хизматнинг мазмуни маҳаллий органларнинг давлат органлари тизимида қонунчилик билан белгиланган ўрнига боғлиқдир.


Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун¹ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий актлар билан белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишлича вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладиган вилоят, туман, шаҳар вакиллик (халқ депутатлари Кенгашлари) ва ижроия ҳокимияти киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига бinoан маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ахборотномаси. 1993, №10.



- қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимият органларини тегишлилигига қараб вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими, туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини эса туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда тегишли халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Ҳокимлар ўз иш фаолиятини яккабошчилик асосида олиб боради.

Ҳокимлик институти қачон ва қай мақсадда юзага келди?

Ўзбекистон Республикасининг танлаган тараққиёт йўлига қисқача тўхталиб ўтган эдик. Ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга

оширишда кучли ижроия ҳокимият зарур. Ҳаёт тақозосига кўра тарихий синалган анъаналарга асосланиб Ҳокимлик институти юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан 1991 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида ҳокимлик лавозимининг ташкил этилиши бу борадаги биринчи қадам бўлди.

1992 йил 4 январда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасида маҳаллий органларни қайта ташкил этиш ҳақида Конституциявий қонун қабул қилинди. Бунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос шартлари эътиборга олиниб, аввало ижроия ҳокимиятини мустақамлаш назарда тутилган эди.

Маҳаллий давлат ҳокимиятини ислоҳ қилишда давлат қурилиши борасида тарихан шаклланган миллий, анъанавий тажрибаларимиз, шунингдек, чет мамлакатларнинг ижобий тажрибаларидан муваффақиятли фойдаланилди.

Тошкент шаҳрида, барча вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими жорий этилди ҳамда улар зиммасига вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқариш масъулияти юклатилди.

1992 йил апрелда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ҳокимлик лавозимини жорий этиш борасида қонун қабул қилинди.

1993 йил сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциясига асосланиб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳақида қонун қабул қилди. Қонун ва қабул қилинган ҳужжатлар Ҳокимлик институтини амалда қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди.

Таниқли рус олими В.И.Фадеев ўзининг «Муниципальное право РФ» китобида маҳаллий давлат ҳокимияти органлариди амалга ошириладиган хизматни тўла даражада асослаб берди. Унинг фикрича, маҳаллий органларда хизматни ўташ жараёнида қуйидаги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши мумкин¹:

➤ маҳаллий органларни ташкил этиш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар;

➤ маҳаллий органлар ва унинг маҳаллий мулкни, маҳаллий хўжаликни бошқариш, маҳаллий бюджетни шакл-

¹ Фадеев В.И. Муниципальное право России. Москва, 1994, с.6.

лантириш ва ижро этиш бўйича органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар;

➤ қонун ҳужжатлари асосида давлатнинг айрим ваколатларининг маҳаллий органлар томонидан амалга оширилиши, қонунларни ҳамда юқори турувчи органлар ҳуқуқий актлари ижро этилишини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар;

➤ маҳаллий органлар томонидан конституциявий ҳуқуқни ва суд ҳимоясини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар.

Бундан ташқари, В.И.Фадеев ўзининг китобида маҳаллий органлардаги хизматнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади:

➤ бу хизмат оммавий хизматнинг алоҳида тури ҳисобланади, яъни маҳаллий оммавий ҳокимият органидаги хизматдир;

➤ бу маҳаллий органлардаги профессионал фаолият бўлиб, унинг амалга оширилиши билан маҳаллий хизматчилар маҳаллий бюджетдан маблағ оладилар. Маҳаллий хизматчилар маҳаллий органлардаги маълум бир лавозимларда хизматни олиб борувчи шахслардир;

➤ бу маҳаллий органлар ваколатларини ижро этиш бўйича бўладиган фаолиятдир, яъни маҳаллий тузилмага бўйсиндирилган фаолиятдир;

➤ бу доимий асосда ташкил этиладиган фаолиятдир, яъни маҳаллий органлар хизматчилари маҳаллий органларнинг фаолиятини доимий, чекланмаган муддатда амалга оширадилар. Лекин уларни сайланадиган мансабдор шахслардан (маълум бир муддатларда хизматни олиб борадиган шахслардан) фарқлай олиш лозим. Маҳаллий органлар хизматчиларининг «доимий асосли» фаолияти маҳаллий органлар хизматининг профессионализмини, унинг мувозанатини таъминлайди.

Алимов Х.Р.нинг кўрсатишича, -давлат хизматини қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

биринчидан, *давлат фаолиятининг турлари (шакллари)га қараб давлат хизматини:*

➤ халқ депутатлари Кенгашларида амалга ошириладиган хизмат;

- давлат бошқаруви органларида амалга ошириладиган хизмат;
- суд органларида амалга ошириладиган хизмат;
- прокуратура органларида амалга ошириладиган хизматга бўлинади;

иккинчидан, *фаолият турига кўра давлат хизматчилари:*

- моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги хизмат;
- ижтимоий фойдали фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги хизматга бўлинади;

учинчидан, *фармойиш бериш ваколатларига эга бўлиш тусусиятларига кўра давлат хизматчилари:*

- фармойиш бериш ваколоти берилган хизмат;
- бундай ваколат берилмаган хизматга бўлинади.¹

Давлат хизмати тушунчасини функционал маънода ҳам, яъни давлат органлари хизмат аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмасининг конкрет тури сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларга эгадир. Жумладан давлат хизматчилари:

1) фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;

2) бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан юридик-ҳокимият кўрсатмаларини берадилар;

3) юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни давлатнинг мажбурлов чораларини қўллайдилар;

4) ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар;

5) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Демак, давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

¹ *Қўриқ:* Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, Адолат, 1999.с.106.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали фаолият турлари нимадан иборат?
2. Хизмат тушунчаси.
3. Хизмат муносабатлари тушунчаси.
4. Хизмат турлари.
5. Давлат хизмати тушунчаси.
6. Давлат хизматининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий маънолари нимадан иборат?
7. Давлат хизматининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.
8. Давлат хизмати фаолиятининг кўринишлари нималардан иборат?
9. Давлат хизматининг умумий хусусиятлари.
10. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат органларида хизматни ўташ тартиби.
11. Ўзбекистон Республикасида ҳокимлик институтининг юзага келиши.
12. Маҳаллий давлат органларида хизматни ўташ жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар.
13. Маҳаллий органларда хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
14. Давлат хизмати таснифи.

3§. Давлат хизматига оид атамалар

Давлат хизмати тўғрисида батафсил тушунчага эга бўлиш учун унинг асосини ташкил қилувчи қуйидаги тушунча ва атамалар тўғрисида билиб олиш лозим:

давлат мансаби - давлат маъмурияти тузилишининг бирлиги бўлиб, давлат органи компетенциясининг бир қисмини ўз ичига олади; амалдаги қонунчиликга биноан давлат мансабини эгалловчи барча шахслар ҳам давлат хизматини ўтамайдилар;

давлат органи - белгиланган тартибда давлат аппарати тизимида ташкил этилган тузилма бўлиб, вазифалар, функциялар, тузилиш хусусиятлари ва махсус компетенцияси билан тавсифланади. Орган тушунчаси кенгроқ тушунча бўлган “ташкилот” нинг бир қисми ҳисобланади. Ташкилот - бу инсонларнинг бирлашмаси, жамоаси бўлиб ҳисобланади, ташкилот инсонларнинг маълум бир мақсадга эришиш ёки маълум бир вазифани бажаришга эришишга қаратилган фаолиятини англатади. Ҳар қандай давлат органи давлат ташкилотининг бир кўриниши бўлиб, давлат функциясини амалга оширади. Давлат органлари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлади, яъни: норматив актларни қабул қиладилар, ҳуқуқ қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширадилар.

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар давлат органининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтадилар:¹

➤ давлат органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, давлатнинг кўрсатмасига кўра ҳамда унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади;

➤ давлат органи инсонлар ташкилотининг кўринишларидан бири бўлиб, уларни давлат ҳокимиятини амалга ошириш мақсадида бирлаштиради;

➤ давлат органи инсонларнинг жамоаси бўлиб, уларнинг фаолияти ҳуқуқий нормалар билан белгиланади ҳамда қатъий белгиланган тартибда амалга оширилади;

➤ давлат органи давлатнинг вазифа ва функцияларини маълум бир усуллар ёрдамида амалга оширувчи ташкилотдир;

➤ давлат органи давлат томонидан берилган ҳокимият ваколати доирасида фаолият юритувчи, яъни ўзининг ҳудудий ҳаракат қилиш доирасига эга бўлган ташкилотдир;

¹ Қаранг: Стариков Ю.Н. Служебное право. Москва, изд.БЕК, 1996, с.135.

муассаса - ташкилотнинг аниқ кўринишларидан бири бўлиб, аҳолининг маълум бир соҳадаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий-маданий, тарбиявий, илмий ва бошқа фаолият турини амалга оширишдир. Давлат корхоналари ва муассасалари давлат ташкилотининг кўринишлари бўлса ҳам, давлат органи ҳисобланмайди. Чунки уларнинг асосий вазифаси раҳбарлик ва бошқарувни амалга оширишга қаратилмаган, улар давлат-ҳокимият ваколатига эга эмас. Давлат корхоналари ва муассасаларининг ўзи маълум бир давлат органларининг раҳбарлиги объекти ҳисобланади;

корхона - инсонларнинг ташкилий жамоаси бўлиб, асосий вазифаси бевосита ишлаб чиқаришни амалга ошириш, товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир;

профессионал фаолият - давлат хизматчиси учун касб ҳисобланган фаолият тури бўлиб, маълум бир тайёргарликни, билимни ва махсус таълимни талаб этади. Давлат хизмати ҳам кўпгина касбларга ўхшаб, маълум бир билимни, кўникмаларни, махсус таълимни талаб қилади;

компетенция - давлат органига тегишли бўлган давлат вазифаларини ва функцияларини бажариш бўйича ҳаракат доираси ҳисобланади. Норматив актлар билан белгиланган давлат органи томонидан кўриб чиқирилиши мумкин бўлган масалалар доираси ҳисобланади. Компетенция давлат органининг ваколатларини, унинг жавобгарлигини, ҳуқуқий воситаларини, ҳуқуқларни амалга ошириш шакл ва усулларини, мажбуриятларни бажаришни ўз ичига олади;

ваколат - давлат органи ва давлат хизматчисига тегишли бўлган турли ҳолатларда ҳаракат қилиш имконияти ва ҳу-қуқлари, давлат органларининг компетенциясини бажаришга қаратилган функция ва вазифалар киради;

мансаб мажбуриятлари - аниқ бир давлат мансабига қаратилган мажбуриятлар бўлиб, норматив актлар, низом ва уставлар билан белгиланади;

давлат-хизмат фаолияти - давлат (маҳаллий) бюджетлардан пул билан таъминланадиган ҳамда давлат органларининг ваколатларини бажаришга қаратилган давлат ва маҳаллий органлар хизматчиларининг доимий фаолият тури ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат мансаби тушунчасини беринг’
2. Давлат органи деганда нимани тушунаси?
3. Муассаса тушунчасини беринг’
4. Корхона тушунчасини беринг’
5. Професионал фаолият деганда нимани тушунаси?
6. Компетенция тушунчаси.
7. Ваколат тушунчаси.
8. Мансаб мажбуриятлари деганда нимани тушунаси?
9. Давлат хизмат фаолияти тушунчасини беринг.

4§. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида барча бўғиндаги давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ иккинчи сессиясида Президентимиз томонидан давлат хизматини қайта ташкил этишнинг асосий тамойиллари, лавозимлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, давлат хизматчилари ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг доирасини белгилаш, давлат хизматини ўташ тартиби бўйича фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталадиган бўлсак, комплекс равишда турли қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Жумладан, давлат хизмати соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш эса давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунга қадар давлат хизмати тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинмаган.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати деганда - давлат ташкилотида давлатнинг олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти тушунилади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб беради. Конституцияни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, миллий давлатчилигимизни ташкил этиш ва ривожлантиришда «давлат хизмати институти» катта аҳамиятга эгадир. Давлат хизматини тўғри ташкил қилиш орқали ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз мумкин. Чунки давлат хизмати ижтимоий мувозанатни, ички ва ташқи хавфсизликни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда

барча инфраструктураларнинг функцияланишини таъминлашда хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда давлат хизмати катта рол ўйнайди. У демократик мувозанатни, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига риоя қилинишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофазасини таъминлайди. Давлат хизмати орқали давлат сиёсати, олиб борилаётган ислохотлар демократик тарзда ҳаётга татбиқ қилинади.

Барча давлат хизматчилари ўз фаолиятларини Конституция ва амалдаги қонунлар асосида олиб бориш, Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган талабларни ҳаётга татбиқ қилишлари ҳамда бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилишлари лозим. Давлатимиз олдида қўйилган мақсадларнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан давлат органларини ва уларнинг фаолиятини, яъни давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида, яъни халқ ҳокимиятчилиги (7-14-моддалар), инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари (18-52-моддалар), давлат тузилиши (68-75-моддалар), президентлик институти (89-97-моддалар), Ҳукумат (98-модда), суд ҳокимияти (106-116-моддалар), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (99-105-моддалар) ва бошқалар асосида ташкил этилиши ва ривожланиши лозим.

Давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган жорий қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни.¹ Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳисобланган - Вазирлар Маҳкамасида давлат хизматини ўташнинг умумий асосларини белгилаб беради. Жумладан қонунда:

- Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий тамойиллари;
- Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни тузиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1994. №7.

➤ Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатлари;

➤ Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари;

➤ Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби ва бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солингандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун¹да маҳаллий ҳокимият органлари - вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида хизматни ўташнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилгандир. Мазкур қонун орқали:

➤ маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти;

➤ маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

➤ ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари;

➤ халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари;

➤ халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар;

➤ маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асоси ва молиявий асослар;

➤ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг структураси ва улар фаолиятининг ташкилий асослари;

➤ халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари;

➤ халқ депутатлари кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг кафолатлари ўрнатилгандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Давлат хизмати соҳасида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа давлат ҳоки-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1994. №10.

мияти органларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Давлат органларида хизматни ташкил этиш, хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат хизматини ўташ тартиби ва бошқа масалалар давлат органларининг Низом ва Уставлари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги Низом. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлат хизматини тартибга солишда конституциявий ҳуқуқ меъёрларидан ташқари, маъмурий, меҳнат, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари ҳам иштирок этади.

Бизга маъмурий ҳуқуқ фанидан маълумки, давлат хизмати маъмурий ҳуқуқнинг асосий ва ривожланиб бораётган институтларидан бири ҳисобланиб, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлат хизмати - маъмурий ҳуқуқнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат хизматини ташкил этиш босқичида, шунингдек, унинг функцияланишида деярли барча маъмурий-ҳуқуқий институтларни - ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, маъмурий-ҳуқуқий усул ва шакллар, давлат мажбурлов чоралари, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимияти тизимида контрол ва назорат ва бошқаларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи (қонунчилиги) меъёрлари давлат хизмати учун маълум бир кафолатларни ўрнатиб беради. Меҳнат ҳуқуқи меъёрлари: давлат хизматчилари билан тузиладиган меҳнат шартномалари (контракт)ни тузишни, танлов (конкурс) асосида лавозим ёки мансабни эгаллашни, хизматчиларнинг мансаб окладларини ўрнатишни, хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарликни ва уни қўллаш тартибини белгилаб беради. Бундан ташқари меҳнат фаолиятидаги асосий ҳолатлар, яъни хизматчилар меҳнат фаолиятининг давомийлигини, дам

олиши, меҳнат таътили, ижтимоий таъминот масалалари ҳам меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Меҳнат қонунчилиги давлат хизматида ички тартиб қоидаларига риоя этилишини ҳам таъминлайди.

Давлат хизматини тартибга солишда жиноят қонунчилиги меъёрлари ҳам алоҳида бир ўринни эгаллайди. Жумладан мансабдор шахс тушунчаси, айнан шу қонунчиликда берилгандир. Давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашишда жиноят қонунчилиги меъёрларининг тутган ўрни каттадир.

Охирги вақтларда бюджет, солиқ, банк ва бошқа молиявий муносабатларнинг ривожланиши давлат хизматини тартибга солишдаги молия қонунчилигининг аҳамиятини янада оширди. Давлатнинг молиявий фаолияти давлат бошқарувининг бир кўриниши бўлганлиги сабабли ҳам, давлатнинг молиявий фаолияти давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра молия қонунчилиги маъмурий қонунчиликка ўхшаб кетади, яъни буларнинг иккаласи ҳам давлат ҳокимият кўрсатмалари усулига ва субъектларнинг тенгсизлигига эгадир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари тушунчасини беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - давлат хизматининг ҳуқуқий асоси сифатида.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун - давлат хизматининг ҳуқуқий асоси сифатида.
4. Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун - давлат хизматининг ҳуқуқий асоси сифатида.
5. Давлат хизматини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси меъерий ҳужжат-ларининг тутган ўрни.
6. Давлат хизматини тартибга солишда Низом ва Уставларнинг тутган ўрни қандай?
7. Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган давлат-хизмат муносабатлари.
8. Меҳнат ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган давлат-хизмат муносабатлари.
9. Молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган давлат-хизмат муносабатлари.
10. Давлат хизматини тартибга солишда бошқа ҳуқуқ соҳаларининг тутган ўрни қандай?

58. Давлат хизматининг тамойиллари

Давлат хизматининг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддалари бевосита давлат хизмати билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий тамойилларини мустаҳкамлайди. Масалан, давлат хизматида қонунийлик, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлиги, давлат хизмати соҳасида ваколатларнинг тақсимланганлиги, давлат хизматида иштирок этувчи фуқароларнинг тенглиги ва бошқа конституциявий тамойилларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири - бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллигидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ҳолат ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий белгисидир. Давлат, унинг органлари инсонлар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат хизматчилари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига таяниб, фақатгина давлат органининг ваколат доирасида ўз фаолиятларини амалга оширишлари, қонунчилик билан уларга юкланган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари, берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланишлари, белгиланган тартибга риоя қилишлари лозим. Қонунийлик тамойилига биноан давлат хизматини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши ҳуқуқ меъёрларига асосланиши ҳамда жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилган давлат ҳокимиятининг тизими асосида, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида ташкил қилинади. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ҳокимият органлари бир-биридан мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат олдида турган маълум бир вазифа ва функцияларни амалга оширадilar. Ҳуқуқий демо-

кратик давлат қуришнинг муҳим белгиларидан бири - бу давлат ваколатларини ҳокимият органлари ўртасида тақсимлашдир.

Қонунчиликка биноан фуқаролар давлат хизматида бевосита иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Конституциянинг 35-моддасига биноан эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат хизматида бевосита иштирок этишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина эга бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат хизматида иштирок этувчи барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқларга эга бўлиб, миллати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Давлат хизматида фуқароларнинг фаолият кўрсатишида, мансаб ёки лавозим бўйича ҳаракатланишида давлат томонидан тенг шарт-шароитлар яратиб берилади.

Давлат хизматининг ташкилий-функционал тамойиллари.

Давлат хизматининг ташкилий-функционал тамойилларига қуйидагиларни киритиши мумкин:

➤ *юқори давлат органи (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарорларнинг қуйи турувчи органлар (давлат хизматчилари) учун мажбурийлиги тамойили.*

Бу тамойил орқали давлат хизматидаги қуйидаги асосий ҳолатлар белгилаб берилади:

биринчидан, юқори давлат органи ёки раҳбар томонидан чиқарилган қарорлар қуйи турувчи органлар ва давлат хизматчилари томонидан бажарилиши мажбурийдир;

иккинчидан, чиқариладиган қарорлар қонуний бўлиши, яъни қарорлар уни чиқариш ваколатига эга бўлган давлат

органи (мансабдор шахс) томонидан ваколат доирасида чиқарилиши лозим;

учинчидан, бу қарорлар қонун талабларига зид келмаслиги лозим.

Бу тамойил орқали давлат органларининг нормал функцияланиши таъминланади;

➤ *давлат хизматида ўрнатиладиган асосий талабларнинг ягоналиги тамойили.*

Мазкур тамойилга биноан давлат хизмати ва давлат хизматчиларига ўрнатиладиган барча талаблар, яъни давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизматига кириш, хизматчиларга қўйиладиган малакавий талаблар, мансаб мажбариятларини бажаришга қўйилган талаблар, давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизматчиларга нисбатан интизомий жавобгарликни қўллаш, малакасини ошириш ва бошқа талаблар қонунчиликда ягона ҳолда (бир хил) бўлиши лозим;

➤ *давлат хизматини амалга оширишда ошкоралик тамойили.*

Давлат хизматини амалга оширишда ошкоралик тамойили ёрдамида давлат органлари ва давлат хизматчиларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш таъминланади. Ҳар қандай давлат хизмати ошкоралик тамойили асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим. Ошкоралик тамойили орқали бир томондан фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишини, иккинчи томондан эса, давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг фикрини эътиборга олиш таъминланади. Давлат хизматида ошкораликни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:

биринчидан, фуқаролар фикрини инобатга олиш механизмини ташкил этиш;

иккинчидан, давлат органлари, давлат хизматчилари фаолиятига нисбатан фуқаролар билдирган фикрлар муҳофазасининг ҳуқуқий шароитини яратиш;

учинчидан, ахборот воситалари орқали давлат органлари ва давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ошкораликни таъминлаш.

➤ *қабул қилинадиган қарорлар, ўз вазифасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун давлат хизматчиларининг жавобгарлиги тамойили.*

Мазкур тамойил давлат хизматчилари томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини виждонан ва тўғри бажаришларини таъминлайди.

Давлат хизматчилари томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор қонуний, мақсадга мувофиқ ва бошқарув актларига қўйиладиган талабларга мос бўлиши лозим. Қонунга зид ёки ваколат доирасидан ташқари қабул қилинган қарорлар ижтимоий муносабатларга зарар етказиши мумкин. Шу сабабли бундай қарорларни қабул қилишга катта эътибор қаратиш лозим.

Давлат хизматчисининг ўзига юклатилган вазифаларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд мансаб ваколатларидан четга чиқиши, уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллашга олиб келади;

➤ *давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили.*

Амалдаги қонунчиликда давлат хизматчилари учун қуйидаги ижтимоий ҳимоя воситалари ўрнатилгандир:

ҳар йилги ҳақи тўланадиган меҳнат таътили;

давлат ҳисобидан тиббий хизматдан фойдаланиш;

давлат хизматчилари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида уларнинг ва оила аъзоларининг шаъни, қадрқимматини ҳамда бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш;

транспорт ва бошқа алоқа воситалари билан таъминлаш ва бошқалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизмати тамойиллари тушунчасини беринг?
2. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг умумий тамойиллари нималардан иборат?
3. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулияти тамойили.
4. Давлат хизматида қонунийлик тамойили.
5. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили.
6. Давлат хизматида фуқароларнинг иштироки тамойили.
7. давлат хизматида фуқароларнинг тенглиги тамойили.
8. Давлат хизматининг ташкилий-функционал тамойиллари тушунчаси ва унинг турлари.

6§. Давлат хизматининг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади бўлиб давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият хотиржамлигини таъминлаш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида оммавий манфаатларни қондириш ҳисобланади.

Давлат хизматининг вазифаларига тўхталадиган бўлсак, назария нуқтаи назаридан, уларни бир неча гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- конституциявий тузумни таъминлаш;
- давлат бошқаруви функцияларини бажариш;
- сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мувозанатни таъминлаш;
- сиёсий қарорларни тайёрлаш ва амалга ошириш;
- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- давлат хизматчиларининг давлатга содиқлиги тамойилини таъминлаш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда давлат мажбурловини қўллаш, яъни жамият хавфсизлигини ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини амалга ошириш, масалан, жамоат тартиби, солиқ, божхона, санитария, савдо ва бошқа қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ёки саноат фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ёхуд атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.лар;
- давлат мажбурловини қўллашни талаб этмайдиган «позитив» характердаги фаолиятни амалга ошириш: оммавий ҳокимият органларида бошқарувни амалга ошириш, ижтимоий фойдали функцияларни амалга оширувчи ташкилотларга таъсир кўрсатиш, маълум бир муассасаларни (масалан, ижтимоий таъминот органлари) қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан махсус корхона ва ташкилотларнинг (масалан, ахборот марказлари, махсус институтлар, болалар уйи, мактаблар, касалхоналар) таъсис этилиши;
- ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда бошқарувни амалга ошириш, иқтисодиёт соҳаларини ва тузилмаларини

қўллаб-қувватлаш, маданий муассасаларни (театрлар, клублар, телестудиялар) ташкил этиш ва молиялаштириш;

- бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятни қуриш ҳамда давлат олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида керак бўладиган пул маблағларини тўплаш учун солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни жорий этиш.

Алимов Х.Р. кўрсатишича давлат хизматининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси халқи манфаатларини қўллаб давлат функцияларини амалга ошириш;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Президент ва Ҳукуматнинг қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларининг бошқа меъёрий ҳужжатларини ижро этиш;

3) фаолиятнинг ўрнатилган мақсадлари ва ваколатларига қатъий риоя этган ҳолда республика ва маҳаллий органларнинг самарали иш фаолиятини таъминлаш;

4) фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

5) бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва илмий-техник жараённинг энг илғор воситаларидан фойдаланиш, профессионал даражани ошириб бориш ва бошқалар.¹

Давлат хизматининг асосий вазифаларини янада конкретлаштирадиган бўлсак, қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

➤ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ишлаб чиқариш, шахснинг эркин ҳаёт кечиришини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, экинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

➤ давлат органлари олдида турган функцияларнинг амалга оширилиши учун ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий шароитларни ташкил этиш;

➤ давлат органларига берилган компетенциядан келиб чиққан ҳолда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;

¹ Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, Адолат, 1999.

➤ давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг профессионал фаолияти шароитларини такомиллаштириш;

➤ давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятида ошкоралик тамойилининг амалда бўлишини таъминлаш, қонунийликка риоя этиш, давлат хизматида маъмурий-буйруқ-бозлик, коррупция ва бошқа негатив ҳолатларга барҳам бериш;

➤ давлат органларида хизматчиларнинг қобилиятини, муомиласини яхшилаш, бошқарув ишининг самарадорлигини ошириш;

➤ давлат хизматчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

➤ давлат органларини давлат хизматига яроқли бўлган ҳамда ўзининг мансаб мажбуриятларини бажара оладиган юқори малакали хизматчилар билан тўлдириш;

➤ давлат органлари хизматчилари фаолият юритиши учун зарур бўлган ижтимоий, ахборот, моддий-молиявий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни ташкил этиш;

➤ кадрларни танлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш тартибини, малакали синовларни, аттестацияларни ўтказиш, малака разрядларини бериш, мувозанат ва жавобгарлик чораларини белгилаш ва ҳ.к.лар.

Давлат ҳокимиятининг махсус органлари томонидан амалга ошириладиган давлат хизматининг ҳар бир тури (масалан миллий хавфсизлик) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белги-ланган ўзларининг вазифаларига эга. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Низомга биноан Миллий хавфсизлик хизмати-га қўйидаги вазифалар юкланган: хавфсизлик хизмати орган-ларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш; разведка ва контрразведка фаолиятини амалга оши-риш; жиноятчиликка қарши курашиш; ўз ваколати доираси-да тергов ва қидирув ишини олиб бориш; Ўзбекистон Респуб-ликасининг хавфсизлигини ва манфаатларини республика ичида ҳам, ташқарисида ҳам ҳимоя қилади ва бошқалар.

Демак, давлат хизматининг вазифалари давлат органи-н-н ҳуқуқий мақомига, давлат хизматчисининг қандай лавозимни эгаллаганига боғлиқдир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизмати вазифалари тушунчасини беринг.
2. Давлат хизмати вазифаларининг турлари.
3. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Давлат ҳокимияти махсус органларининг вазифалари.

7§. Давлат хизматининг функциялари тушунчаси ва турлари

Давлат хизматининг функциялари масаласини кўриб чиқиш нафақат унинг асосий мақсадини, балки давлат хизматидаги ҳал этилмаган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Давлат хизмати функциялари орқали давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни бартараф этиш, давлат хизматини такомиллаштириш ва қайта ташкил этишнинг йўналишларини ишлаб чиқишда хизмат қилади. Кенг маънода давлат хизматининг функциялари бўлиб давлатнинг ўзининг функцияси ҳисобланади.

Давлат хизматининг функцияси тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун «ҳуқуқ функцияси» ва «давлат функцияси» атамаларини билиб олиш лозим. Бу иккала категория ўзаро боғлиқдир ва тўғридан-тўғри бир-бирига таъсир кўрсатади. Улар кўпгина ўхшаш томонлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат функцияси унинг сиёсати, мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Давлат ўз функцияларини адо этиш учун қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва судлов фаолиятини олиб боради. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш усулларидан фойдаланади. Мазкур шакллар ва усулларнинг қўлланиш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, характерли хусусиятлари билан боғлиқ. Давлат функцияларини таснифлаш (гуруҳларга, турларга бўлиш) эса - давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намоиш этишга кўмаклашади. Одатда давлат функциялари иккига: ички ва ташқи функцияларга бўлинади.

Ҳуқуқ функцияси - ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Ҳуқуқ, аввало, жамият ҳаётининг турли жабҳаларига - иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тариқа иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумиж-

тимой функцияларни бажаради. Ҳуқуқ функциялари қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

- ҳуқуқ функциялари ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади. Функция - ҳуқуқ моҳиятининг ижтимоий муносабатлар мазмунида ифодаланишидир;

- ҳуқуқ функциялари - ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг шундай йўналишларики, уларни амалга ошириш эҳтиёжи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги заруриятидан келиб чиқади;

- функциялар ҳуқуқнинг энг муҳим сифатларини ифода этади ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқ олдида турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;

- ҳуқуқ функциялари унинг ижтимоий муносабатлар муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракатининг йўналишини акс эттиради. Шу боис ҳуқуқ функцияларининг муҳим белгиларидан бири унинг динамизми, ҳаракатланиши, таъсир этишидир;

- ҳуқуқ функциялари доимийлик хусусиятига эга, бу уларнинг узлуксизлиги, узоқ муддат ҳаракатланишини аңлатади.¹

Таниқли рус олими Т.Н.Радько давлат хизматининг функцияларига тушунча берар экан, давлат функцияси ва ҳуқуқ функцияларининг қуйидаги ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

давлат ва ҳуқуқ функцияларининг бирлиги, ўхшаш томони шундан иборатки, улар давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини ва ижтимоий йўналишини белгилаб беради ва аксарият ҳолларда умумий вазифаларни ҳал этишга қаратилади. Ҳуқуқ функциясининг давлат функциясидан фарқи шундаки, биринчидан, улар специфик хусусиятлар ва мустақил характери билан белгиловчи турли моҳиятларни ифода этади; иккинчидан, бу функцияларни амалга ошириш йўллари, усул ва шакллари турличадир; учинчидан амалга ошириладиган функцияларнинг сони ва турлари бир-бирига тўғри келмайди; тўртинчидан, функцияларни амалга ошириш доираси турличадир.²

Демак, давлат хизматининг функциялари - бу давлат хизмати институти ҳуқуқий меъёрларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари бўлиб, давлат-хизмат муносабат-

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Тошкент, 2000, 173, 223-бетлар

² Радько Т.Н., Толстик В.А. Функции права. Н.Новгород, 1995, с.33-34.

ларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадига эришиш ҳамда давлат хизматининг ўзининг ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий ролини бажаришидир. Функциялар давлат хизматини ташкил этиш ва давлат хизмати фаолиятини бевосита амалга ошириш жараёнида юзага келадиган давлат-хизмат муносабатларига таъсир этишнинг аниқ йўналишлари ҳисобланади.

Давлат хизмати функциялари билан бир қаторда, ижтимоий фойдали профессионал фаолиятнинг тури сифатида давлат хизмати ҳуқуқий институтининг функциялари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Давлат хизмати ҳуқуқининг асосий функцияси - бу давлат-хизмат муносабатларини тўғри ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишдир. Давлат хизмати функцияларининг юзага келиши унинг мақсади ва вазифалари, давлат-хизмат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари билан асосланади. Давлат хизмати ҳуқуқининг асосий ижтимоий мақсади шундан иборатки, давлат қурилишини, давлат аппаратини ташкил этиш, самарали функцияланишини таъминлаш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни давлат-хизмат муносабатларини ташкил этиш. Ҳуқуқ функциялари маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларнинг характерини ифода этади.

Юқоридагилардан бизга маълумки, давлат хизмати бир неча ҳуқуқ соҳалари билан тартибга олинади. Бу ҳуқуқ соҳалари ичида маъмурий ҳуқуқ меъёрлари етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу сабабли ҳам давлат хизмати институти маъмурий ҳуқуқ соҳасининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Демак, ҳуқуқ функциялари давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи механизмда иштирок этувчи, биринчи галда маъмурий ҳуқуқ меъёрларининг хусусиятларини, йўналишларини белгилаб беради.

Ҳуқуқ функциялари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, давлат хизмати ҳуқуқий институт сифатида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

➤ *таъминлаш функцияси*, яъни давлат ва унинг органлари вазифа ва функцияларини бажариш. Давлат органлари мураккаб тизимга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг вазифа ва функцияларига эгадир. Давлат хизмати айнан шу органларнинг компетенциясини амалга ошириш, ижтимоий жа-

раёнларга самарали таъсир этиш мақсадида ташкил этилгандир;

➤ *интегратив (бирлаштириш) функцияси*, яъни давлат хизмати фуқаролар ва инсонларнинг манфаатларини, ижтимоий мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилиш, давлат апаратининг функцияланиши, кафолатлар тизимини яратишнинг ҳуқуқий воситаси сифатида намоён бўлади. Бу функция орқали сиёсий тизимнинг, давлат апаратининг, инсонларнинг, бутун жамиятнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришишнинг ва манфаатлар қондирилишининг барча элементларини бирлаштириш мумкин;

➤ *тартибга солиш функцияси*. Давлат хизмати институти давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини (ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари, жавобгарлик, чекловлар ва ҳ.к. ларни) белгилаб бериш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Тартибга солиш функцияси ўз ичига давлат хизматининг *ташкилий функциясини* ҳам олади, яъни тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ташкилий шаклга эга бўлади;

➤ *коммуникатив функцияси*. Бу функция давлат апаратининг ичидаги, давлат органларидаги жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни излаш, олиш ва улардан самарали фойдаланишга, давлат органларининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ижтимоий фикрлардан фойдаланишга қаратилган. Аксарият ҳолатларда коммуникатив функция - *ахборот функцияси* деб аталади;

➤ *муҳофаза қилиш функцияси*. Бу функция давлат ва жамият ҳаётидаги муносабатлар тизимида қонунийликни таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан огоҳлантирув, мажбурлов ва қайта тиклов чораларини қўллашликни таъминлайди.

Давлат хизмати ҳуқуқ функциялари билан бир қаторда давлат маъмуриятининг, бошқарув апаратининг, давлат органларининг, охир оқибат давлатнинг, унинг органларининг функцияларини ва давлат хизматчиларининг функцияларини ҳам амалга оширади.

Давлат хизмати функцияларининг турлари ва таснифига тўхталганда, давлат органларининг ҳозирги кундаги хизмат функцияларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу функцияларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

биринчидан, *тартибга солиш функцияси*, аниқ дастурларни (масалан, хусусийлаштириш, инвестицион фаолият, мудофаа ва хавфсизлик ва бошқаларни) тайёрлашга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; давлатнинг хўжалик фаолиятини тартибга солиш (масалан, хўжалик муносабатларининг, тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солиниши, турли мулк шаклларининг тенглигини таъминлаш, мулкдорларнинг, истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқалар); давлатга қарашли корхоналар ва муассасаларни бошқариш; нодавлат (тижорат) корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш;

иккинчидан, *мажбурлов функцияси*, яъни аниқ бир ҳолатларда қонунчиликда ўрнатилган давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш. Бу функция демократик ҳуқуқий тартибни ўрнатишнинг асосий воситаларидан биридир;

учинчидан, *таъминлов-тиклов функцияси*, яъни фуқаролар ва инсонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва шахсларнинг ҳимоясини кучайтириш;

тўртинчидан, *ташқилий функция*, яъни давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва унда қонунийлик ва интизомни таъминлаш, кадрлар сиёсатини қайта амалга ошириш;

бешинчидан, *ҳуқуқ ижодкорлиги функцияси*, яъни ҳуқуқий актларни тайёрлаш ва қабул қилиш, давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти сифатини ошириш;

олтинчидан, *назорат функцияси*, давлат органларининг фаолиятида давлат контроли ва назоратини таъминлаш.

Ворошина В.В. давлат хизмати функцияларини умумий, махсус ва ёрдамчи функцияларга бўлади. Давлат хизматининг умумий функциялари - бошқарув субъектлари ва объектлари ўртасидаги махсус йўналишдаги умумий алоқалар бўлиб, барча бошқарув алоқаларига хосдир. Умумий функцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат органлари фаолиятинининг ахборот таъминоти, яъни давлат фаолиятини (бошқарувини) амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш, олиш, қайта ишлаш ва анализ қилиш;

давлат хизмати тизимининг ривожланишини таҳлил қилиш, яъни давлат хизматида, давлат органларининг фаолиятида маълум бир ўзгаришларни ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

режалаштириш - давлат фаолияти (давлат функциялари) тизимида у ёки бу жараённинг йўналишларини, сифат кўрсаткичларини белгилаш; давлат хизмати ривожланишининг йўналишларини, мақсад ва вазифаларини белгилаш;

фармойиш бериш, яъни давлат ваколатларини ва мансаб мажбуриятларини бажариш бўйича юзага келадиган давлат-хизмат муносабатларини оператив (кундалик) тартибга солиш, давлат фаолияти режимини таъминлаш;

раҳбарлик, давлат органлари, бошқариладиган объектлар фаолиятининг ва айрим ҳаракатларининг йўналишларини, қоидаларини ва меъёрларини ўрнатиш;

мувофиқлаштириш, яъни давлат хизматининг умумий мақсад ва вазифаларини бажариш учун турли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳ.к.лар.

Давлат хизматининг махсус функциялари бошқарув объектининг хусусиятларини намоён қилади (услубий, техник раҳбарлик ёки махсус давлат назорати). Махсус функциялар умумий функцияларни тўлдириб, уларга хизмат қилади. Масалан, давлат органлари фаолиятининг ахборот таъминоти, унинг ривожланишини таҳлил қилиш, режалаштириш каби умумий функцияларни тўлдиришда жамоат фикрини ўрганиш функцияси (махсус функция) хизмат қилади. Давлат хизматининг махсус функциялари турли туман бўлиб, уларнинг доирасини аниқ белгилаш мушкулдир. Чунки, давлат органлари турли йўналишларда фаолиятни амалга оширадilar. Давлат хизматининг махсус функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат органлари хизматчиларининг сонини, моддий, молиявий ва меҳнат ҳаражатларининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва олиб бориш;

давлат органини сақлашга кетадиган молиявий ва бошқа моддий ҳаражатларни асослаб бериш;

давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини, сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

турли давлат органларида тадқиқотларни олиб бориш;

давлат-хизмат муносабатларини ўрнатувчи меъерий ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Давлат хизматининг ёрдамчи функциялари эса, бу давлат органларининг умумий ва махсус функциялар доирасида фаолият кўрсатишида хизмат қилишдан иборат. Ёрдамчи

функцияларга - моддий ва техник таъминотни, юридик хизматни, иш қозғаларини юритишни киритишимиз мумкин.¹

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизмати функциялари тушунчаси.
2. Давлат функциялари тушунчасини беринг.
3. Ҳуқуқ функциялари тушунчасини беринг.
4. Ҳуқуқ функцияларининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Таъминлаш функцияси.
6. Интегратив функцияси.
7. Тартибга солиш функцияси.
8. Ташкиллаштириш функцияси.
9. Коммуникатив функцияси.
10. Муҳофаза қилиш функцияси.
11. Ҳозирги кундаги давлат хизматининг функциялари.
12. Умумий функциялар тушунчаси ва турлари.
13. Махсус функциялар тушунчаси ва турлари.

¹ Волошина В.В. Правовые проблемы регулирования государственной службы. М., 1993, с.12-13.

8§. Давлат хизматчилари тушунчаси

Давлат хизматчилари - ҳуқуқнинг индивидуал субъектларидан иборат бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, маълум бир ҳақ эвазига ташкил этиладиган ва амалдаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг вазифа ва функцияларини амалга оширадилар. Ҳар бир ташкил этиладиган ташкилотнинг нормал функцияланиши учун махсус тайёрланган хизматчилардан иборат бўлган маълум бир персоналга эга бўлиши лозим. Ташкилотларнинг турига қараб ҳуқуқ объектларининг қуйидаги хизматчиларини: давлат (давлат органлари), маҳаллий органлар, жамоат бирлашмалари нодавлат, тижорат, нотижорат, диний, хусусий, халқаро ташкилотларнинг хизматчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кўпгина инсонлар ижтимоий фойдали меҳнат билан машғулдир: жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида турли функцияларни амалга оширадилар; моддий бойликлар яратадилар, яъни товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, тарбиявий ва таълим функцияларини амалга оширадилар, давлат-ҳокимият ҳаракатлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарадилар, турли хилдаги қарорларни қабул қиладилар.

Хизматчилар тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш мақсадида, уларни жамиятнинг турли ташкилотларида (корхона, муассасаларида) банд бўлган бошқа шахслардан фарқлаш лозим:

➤ хизматчилар турли ташкилотларда (давлат, маҳаллий, нодавлат, тижорат, нотижорат, жамоат, диний) маълум бир лавозимларни эгаллайдилар;

➤ уларнинг фаолияти ақлий хусусиятга эга, яъни улар бевосита моддий бойликларни яратмайдилар. Лекин хизматчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият юритиши мумкин, масалан, ташкилий, ишлаб чиқариш жараёнини технологик таъминлаш, лойиҳаларни тайёрлаш, маркетинг, тадқиқот фаолияти ва бошқалар;

➤ хизматчилар ҳокимият фаолиятини (ташқиллаштириш, фармойиш бериш, раҳбарлик, назорат) амалга оширадилар ҳамда тегишли ташкилий-фармойиш бериш ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлади; улар давлат ва жамоат мажбурлов чораларини қўллашлари мумкин. Ҳар қандай ташкилотдаги хизматчилар, асосан бошқарув функцияларини

(бунда, бошқарув функцияси деганда, турли ҳуқуқ субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи восита сифатида туншунмоқ лозим) амалга оширадилар;

➤ хизматчилар ўзларининг ваколатларини, функцияларини, қоида бўйича, маълум бир ҳақ эвазига амалга оширадилар.

Хизматчилар ўртасида давлат ва маҳаллий органларда фаолият кўрсатувчи хизматчиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Давлат ва маҳаллий органларининг хизматчилари давлат ва маҳаллий органларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг номидан ҳаракат қиладилар ҳамда давлат ва маҳаллий маъмуриятнинг вакиллари бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат ва маҳаллий органларнинг хизматчилари давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширадилар. Қуйида уларнинг ҳар бири билан ташииб чиқамиз.

Давлат хизматчиси, кенг маънода, давлат вазифа ва функцияларини нафақат давлат органларида, балки давлатнинг бошқа ташкилот, муассаса ва корхоналарида амалга оширадиган ҳуқуқнинг индивидуал субъектидир.

Россия Федерациясининг 5 июл 1995 йил қабул қилинган «Об основах государственной службы» тўғрисидаги қонунида давлат хизматчисига қуйидагича таъриф берилган: давлат хизматчиси - бу давлат органлари ваколатларини бажаришни таъминлаш бўйича профессионал фаолиятни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматчиси ва давлат (давлат органи) ўртасида давлат-хизмат муносабатлари юзага келиб, улар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Давлат хизматчиси, тор маънода давлат хизматида давлат лавозимини эгаллаган шахсдир, яъни давлат маъмуриятининг тузилмалари тизимида маълум бир мансабни эгаллайдиган, пул мукофоти эвазига мазкур давлат органининг функцияларини амалга оширадиган шахсдир.

Давлат хизматчиларининг аксарияти ижро-фармойиш бериш (ташқиллаштириш) ваколатларини ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш билан шуғулланадилар. Фақатгина айрим давлат хизматчилари махсус давлат лавозимларини эгаллайдилар ва одилсудловни ва прокурор назоратини (яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини) амалга оширадилар.

Кўпгина юридик адабиётларда давлат хизматчисига қуйидагича таъриф берилади: давлат хизматчиси - бу давлат маъмурияти аппаратида бевосита ёки билвосита маълум бир ҳақ эвазига домий ёки вақтинча хизмат мажбуриятларини амалга оширувчи шахсдир.¹ Бунда асосий тушунча сифатида хизматчи томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши намён бўлади.

Давлат хизматчиси тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

биринчидан, давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизмати - бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) «қули» ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ҳам, ташқи алоқаларда ҳам ифода этади. Давлат хизматчиси давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;

иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси махсус ҳокимият, ташкиллаштирувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчиси юрисдикцион (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга ошириш ва маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир;

учинчидан, жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси - жиний ва маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади (давлат хизматчиси - мансабдор шахс - мансаб жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар).

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқувчи маълум бир вазифаларни бажариши керак. Давлат мансаби - бу давлат хизматчисининг «иш» (хизмат) жойи ҳисобланади. Ҳар бир давлат лавозими давлат хизматининг асосий элементларидан бири бўлган штат бирлигига киритилади. Штат жадвали давлат органи (ташкilotи)да ташкил этилган лавозимлардан иборатдир. Давлат ташкilotларидан лавозимлар давлат ҳокимияти субъектлари томонидан фармойиш бериш тартибида ташкил этилади.

Хизматчи маълум бир лавозимни узоқ вақт давомида (масалан, бутун фаолияти давомида) эгаллаши мумкин. Давлат хизматчиси давлат органида фаолият юритиши жараёни-

¹ Қаринг. Стариков Ю.Н. Служебное право. Москва, БЕК, 1996, с.313; Власов В.А., Студенкин С.С. Административное право. Москва, 1959, с.107.

да лавозим бўйича ҳаракатланиши мумкин, яъни давлат хизматида малака разрядлар жорий этилган. Малака разрядлар давлат хизматчисига бир лавозимдан иккинчи лавозимни эгаллашини (масалан, юқорига ёки пастга қараб ҳаракатланишини) белгилаб беради. Улар бутун профессионал ҳаёт жараёнида давлат хизматчисини давлат билан боғлаб туради ҳамда давлат ва жамиятдаги муносабатларнинг мувозанатини таъминлайди. Ғарбий Европа давлатларининг кўпчилигида, агар давлат лавозими бекор қилинадиган бўлса, лавозимни эгаллаган шахс ишдан бўшатилиши мумкин эмас, чунки у олган малака разряди бошқа давлат лавозимини эгаллаш ҳуқуқини беради. Малака разряди давлат хизматчиси учун ҳимоя ҳисобланади. Юқоридаги жиҳатлари билан малака разряд давлат лавозимидан ажралиб туради.

Алимов Х.Р. давлат хизматчисига қуйидагича тушунча беради: давлат хизматчиси - бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматига фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириши мумкин.¹

Таниқли рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича: давлат хизматчиси - бу қонун билан ўрнатилган тартибда маълум бир пул мукофоти эвазига давлат хизматидаги давлат лавозими бўйича мажбуриятларни амалга оширувчи фуқаро ҳисобланади. Давлат хизматчилари орқали бутун жамият соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади.²

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиси тушунчасини қуйидагича белгилаш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси - бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, профессионал билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унга қўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини бажаради, давлат қурилишининг маълум бир мақсадларига эришиш учун махсус вазифаларни ҳал этади, давлат (давлат органи) эса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини

¹ Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, Адолат, 1999.

² Административное право. Учебник под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000, с.211.

ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади. Давлат хизматчиси маъмуриятнинг вакили, давлат бюрократининг бир қисми ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг барча ҳаракатлари давлат номидан ва унинг кўрсатмаси асосида амалга оширилади, давлат эса давлат хизматчиси фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва тегишли ҳолатларда уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди. Давлат хизматчиси фақатгина давлат органида давлат мансабини эгаллаши мумкин.

Россия Федерациясини олиб кўрадиган бўлсак, унда жорий этилган қонунчиликка биноан давлат корхоналари ва муассасаларидаги хизматчиларнинг фаолияти давлат хизмати ҳисобланмайди. Россия қонунчилигига биноан РФ Президентининг, вазирларнинг, губернаторларнинг, судьяларнинг ҳамда давлат сиёсий лавозимларини эгалловчи бошқа шахсларнинг фаолияти давлат хизмати ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти олий мансабдор шахс. У давлат томонидан берилган ваколатлар доирасида ҳамда давлат номидан ва давлат манфаатларини кўзлаб давлат функцияларини амалга оширади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолиятини давлат хизматига киритишимиз мумкин ёки вазирлар, ҳокимлар, судьяларни олиб кўрадиган бўлсак, улар ҳам давлат томонидан берилган ваколатлар доирасида давлат номидан ва давлат манфаатларини кўзлаб тегишли соҳада давлатнинг функцияларини амалга оширадilar.

Агар Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини тартибга солувчи қонун қабул қилинадиган бўлса, албатта бу ҳолатларга эътибор бериш лозим;

иккинчидан, давлат хизматчиси давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келиши керак;

учинчидан, давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда давлат хизматининг пул билан таъминланадиган давлат лавозимини эгаллайди. Давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, ҳуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб

беради. Давлат лавозимларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин;

тўртинчидан, давлат хизматчисига қонунчиликда белги-ланган тартибда малака разрядлар берилади;

бешинчидан, давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини бажарадилар, иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона ва банк иши, солиққа тортиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ички ишлар, ташқи сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар;

олтинчидан, давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул қиладилар, жазога тортадилар). Бундай ҳаракатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши ва далил сифатида хизмат қилиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай ҳаракатлари давлат ва жамият ҳаётида турли ижтимоий муносабатларни юзага келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин;

еттинчидан, давлат хизматчиларининг фаолияти, қоида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас. Лекин уларнинг фаолияти умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас, деган хулосага келмаслик лозим. Чунки, давлат хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнида уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқа функциялар орқали таъсир кўрсатади.

Давлат хизмати инсонлар онгига, иқтисодий ҳаётга, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига, меҳнат жамоаларини ташкил этилиши ва фаолият юритишига таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари тушунчасини беринг.
2. Давлат хизматчиларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Давлат хизматчиларининг давлат-ҳуқуқий тушунчасини беринг.
4. Давлат хизматчиларининг маъмурий-ҳуқуқий тушунчасини беринг.
5. Давлат хизматчиларининг жинсий-ҳуқуқий тушунчасини беринг.

9§. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси

Давлат хизматчиси маълум бир ҳуқуқий ҳолатга эга. Давлат хизматчилари учун давлат хизматига кириш, уни ўташ ҳамда давлат хизмати бекор бўлишининг махсус шартлари ўрнатилган. Давлат хизматчилари уларга берилган ваколатларни ва функцияларни давлат маъмурияти ичида ҳам, ташқи ҳуқуқ субъектларига (фуқароларга, бошқа ташкилотларга) нисбатан ҳам амалга оширадилар.

Фуқаро давлат хизматига кириши билан қуйидаги тўрт элементдан иборат бўлган «организм»га бирлашади:

биринчидан, эгалланадиган давлат лавозими;

иккинчидан, аниқ малака разряднинг мавжудлиги;

учинчидан, давлат хизматчиларининг белгиланган штат бирлигига кириши;

тўртинчидан, мансаб мажбуриятлари билан белгиланадиган давлат хизматчисининг махсус ўрни, яъни раҳбар, мансабдор шахс, ҳокимият вакили ва бошқалар.¹

Давлат хизмати ва давлат хизматчиси билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиши керак.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати - бу давлат-хизмат муносабатларининг мазмуни (моҳияти)дир. Хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини ўрнатиш орқали белгиланади. Давлат-хизмат муносабатларининг ўзгариши билан давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати ҳам ўзгаради, масалан, ишдан бўшатиш, фуқароликни йўқотиш, пенсияга чиқиш ва ҳ.к.лар.

Давлат хизматчиларининг ҳолати - бу дифференцияланган комплекс тизим бўлиб, вертикал ва горизонтал тузилишга эга.

Ҳар бир давлат хизматчиси норматив ҳуқуқий актлар билан белгиланган ҳамда давлат хизмати ҳуқуқий институтининг марказий элементи ҳисобланган ҳуқуқий ҳолатга эгадир. Давлат хизматининг бошқа элементлари эса давлат хизмати ва хизматчиларига хизмат қилиш мақсадида ўрнатилади, яъни улар давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатини аниқ-

¹ Стариков Ю.Н. Службное право. Москва, БЕК, 1996, с.318.

лаштиради ва уларнинг тўла амалга оширилишига кўмаклашади.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати қонунчилик билан ўрнатилган ва давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик, мажбурият, чекловлар, жавобгарликларнинг йиғиндисиدير.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси меъёрий ҳужжатлари, давлат органларининг Низом ва Уставлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасида фаолият кўрсатувчи хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатининг мазмуни давлат хизматчиларининг категориясига, давлат хизмати олиб бориладиган шароитларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Давлат хизматчиси мақомига эга бўлиш масаласи жуда муҳимдир. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаро давлат хизматчиси мақомига давлат органи билан меҳнат шартномаси тузиши ва уни маълум бир давлат лавозимига қабул қилиш тўғрисидаги қарор чиқиши вақтидан юзага келади.

Давлат хизматчиси мақомига эга бўлиш билан фуқаро ва давлат органи ўртасида давлат-хизмат муносабатлари юзага келади.

Давлат хизматчиси ўз мақомини давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан йўқотади. Давлат-хизмат муносабатлари: ишдан бўшатиш, пенсияга чиқиш ва бошқа ҳолатларда бекор бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда норматив актларда давлат хизмати бекор бўлишининг аниқ муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати.

3. Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатининг мазмуни.

4. Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатига эга бўлиш.

10§. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари

Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолатининг асосий элементларидан бири - бу давлат хизматчисининг ҳуқуқлари бўлиб, давлат хизматининг ошкоралигини, самарали функцияланишини асослаб беради. Давлат хизматчиси ҳар қандай ҳуқуқ субъекти - Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида конституциявий ўрнатилган ҳуқуқларга эгадир. Лекин, давлат-хизмат фаолияти нуқтаи назаридан, давлат хизматчиси ҳуқуқий ҳолатининг асосий элементини хизмат ҳуқуқлари ташкил этади. Хизмат ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан давлат хизматининг функцияланиши таъминланади. Хизмат ҳуқуқлари мансаб мажбуриятларини бажариш билан бевосита боғлиқдир, баъзи ҳолатларда хизмат ҳуқуқлари қонунчилик актлари билан ўрнатилган мансаб мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1) *хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатини ва унинг ҳуқуқий кафолатини ифода этувчи ҳуқуқлар*. Бунга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

➤ давлат хизматчиси эгаллайдиган давлат лавозими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи ҳужжатлар билан, масалан, иш сифатини белгиловчи критерий, давлат хизмати бўйича ҳаракатланиш, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ташкилий-техник шароитлар билан танишиб чиқиш;

➤ шахсий ҳужжатдаги барча маълумотлар билан танишиб чиқиш;

➤ унинг талабига кўра хизмат текширувларини, масалан, хизматчининг шаъни, қадр-қимматига етказиши мумкин бўлган маълумотларни рад этиш мақсадида ўтказиш;

➤ давлат хизматчисининг давлат хизмати билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш мақсадида тегишли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқалар;

2) *хизмат мажбуриятларини бевосита бажариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар*. Бунга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

➤ белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни ва материалларни олиш;

➤ белгиланган тартибда, мансаб мажбуриятларини бажариш учун корхона, муассаса ва ташкилотларда бўлиш;

➤ мансаб мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиш ва тайёрлашда иштирок этиш;

➤ тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан малакасини ошириш, қайта тайёрланиш;

➤ давлат хизматини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

3) *давлат хизматчисининг лавозим фаоллигини оширишга, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга ва ижтимоий кафолатларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар:*

➤ вакант (вақтинча бўш) лавозимни эгаллаш бўйича танловда ўз ҳоҳишига кўра иштирок этиш;

➤ иш фаолиятининг натижалари ва иш стажини, малакасининг даражасига кўра лавозим бўйича юқорига қараб ҳаракатланиш, маблағ билан таъминланишини ошириш;

➤ давлат хизматидаги иш стажига қараб пенсия таъминоти олиш;

➤ ўзининг ҳуқуқларини, ижтимоий-иётисодий ва профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаларига бирлашиш;

➤ мансаб окладидан келиб чиққан ҳолда пул билан таъминланиш, малака разрядидан келиб чиққан ҳолда эса кўшимча маблағлар олиш, иш фаолиятининг натижаларига кўра мукофотлар олиш;

➤ ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Меҳнат таътилининг муддати давлат ташкилотининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белиланади. Одатда меҳнат таътиллари 30 кундан кам бўлмайди;

➤ давлат хизмати стажига давлат хизматчисининг бошқа даврдаги меҳнат фаолиятини кўшилишини талаб этиш (масалан бу ҳолат хизматчининг пенсияга чиқишига таъсир кўрсатиши мумкин);

➤ давлат хизматчисининг ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;

➤ давлат лавозимларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиққа ёки мулкка етказилиши мумкин бўлган зарар бўйича мажбурий давлат суғуртаси;

➤ давлат хизматини ўташ вақтида касалланиши ёки меҳнат қобилиятини йўқотилиши бўйича мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Давлат хизматчисига давлат хизматини ўташ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда, хизмат уйлари, хизмат автотранспорти берилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари ҳуқуқлари тушунчасини беринг.
2. Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолати ва унинг ҳуқуқий кафолатини ифода этувчи ҳуқуқлар.
3. Давлат хизматчилари мажбуриятларини бевосита бажариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар.
4. Давлат хизматчиларининг лавозим фаоллигини оширишга, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга ва ижтимоий кафолатларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар.

11§. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари

Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари уларнинг хизмат фаолиятларининг моҳиятини характерлайди, чунки давлат (давлат органи) фуқарони унга маълум бир мансаб мажбуриятларини юклаш мақсадида ишга қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг мажбуриятлари турли қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Мажбуриятларнинг мазмуни ва турлари давлат ташкилотининг ўз олдига қўйган мақсади, вазифаси ва функцияларига қараб белгиланади.

Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига умумий бўлган мажбуриятлар қуйидагилардан иборат: конституциявий тузумни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга, шунингдек, уларнинг ваколатларини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши таъминлаш.

Давлат хизматчилари мажбуриятларининг асосий аспектларидан бири шундаки, улар нафақат давлат хизмати шаънига доғ тушурувчи ёки давлат органига зарар етказувчи ҳаракатлардан, балки давлат хизматчиларининг давлат ва жамият манфаатларига зид ҳаракатларни содир этмоқда деган фикрларнинг пайдо бўлишидан сақланиши лозим.

Давлат хизматчиси хизмат мажбуриятларидан давлат хизмати шаънига доғ тушириш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг фаолиятини қоралашда фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан бири – бу виждонан мансаб мажбуриятларини бажаришидир. Қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан давлат хизматчиларининг функциялари ва ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар хизматчилар томонидан тўғри ва аниқ бажарилиши лозим. Мансаб мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даоражада бажармаганлик ноҳўя ҳаракат, ҳуқуқбузарлик, баъзи ҳолларда эса жиноят ҳисобланиши мумкин.

Давлат хизматчилари уларнинг эгаллаб турган лавозимларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган ҳуқуқларни ва юкланган мажбуриятларни бажаришга мажбурдир. Бу талаблар давлат хизматчисига лавозим бўйича ваколатлар ҳажми ва

доираси тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишга мажбур қилади.

Давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш мажбурияти давлат органида ўрнатилган хизмат тартибига риоя қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Давлат хизматчилари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий манфаатларни таъминлаш мақсадида мансаб мажбуриятларини амалга ошириш ваколатига эга бўладилар. Агар давлат хизматчилари ўз ваколатларидан бошқа мақсадларда фойдалансалар ёки ваколат доирасидан четга чиқадиган бўлсалар, уларнинг ҳаракати хизмат ноҳўя ҳаракати, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида таснифланиши мумкин. Масалан, мансаб ваколатидан четга чиқиш оқибатида шахсга зарар етказиш ва ҳ.к.лар.

Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан яна бири – бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ва муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Давлат хизматчилари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишга, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлашга мажбурдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат хизматчилари учун муҳим категориялардир. Давлат хизматчилари томонидан мазкур мажбуриятнинг бажарилиши ижтимоий муносабатларнинг мувозанатини, қонунийлик тартибига риоя қилинишини таъминлайди, умумий ҳуқуқ тартиботни кафолатлайди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинган экан, давлатнинг асосий вазифаларидан бири бажарилган бўлиб ҳисобланади.

Ваколат доирасида юқори турувчи давлат органининг (давлат хизматчисининг) фармойишларини, буйруқларини ва бошқа ҳилдаги кўрсатмаларини, қонунга зид бўлганларидан ташқари, ижро этиш. Давлат хизмати бўйсунувлик иерархияси тамойилига асосланар экан, давлат хизматчилари ўзларидан юқори турган, бўйсунув асосида, раҳбарларнинг ваколат доирасида берилган буйруқларини, фармойишларини, кўрсатмаларини ва бошқа қонуний қарорларини ижро этишга мажбурдирлар.

Давлат хизматчилари барча фармойишларни шахсий жавобгарлик асосида амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам ижро этиш учун олинган фармойиш давлат хизматчиси томо-

нидан қонунийлик ва давлат манфаатларига мос келиш нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Давлат хизматчилари мансаб мажбуриятларини бажариб бориш мақсадида ўзининг малака даражасини сақлаш ва ошириб бориш мажбуриятига эга. Давлат хизматчиси давлат хизматига кирар экан, хизмат функцияларини ва мансаб мажбуриятларини сифатли бажаришга тайёр бўлиши керак. У ўзининг ишчанлик хусусиятларига кўра эгалланадиган давлат лавозими талабларига мос келиши керак. Назарий ва амалий таълим олиш барча давлат хизматчиларининг хизмат мажбурияти ҳисобланади. Қоида бўйича, профессионал тайёргарлик малака разряд беришда, махсус унвон олишда талаб қилинади.

Давлат хизматчилари ўзларининг хизмат фаолиятларини олиб бориш жараёнида бир давлат органи доирасида турли аҳамиятдаги функцияларни амалга оширадилар. Давлат хизматчиси лавозими бўйича юқори кўтарилганида, янада мураккаб бўлган мажбуриятларни бажаришига тўғри келади. Бошқа томондан, касбларнинг эволюцияси содир бўлиши мумкин, масалан, баъзи бирлари тугатилиши, пайдо бўлиши ёки мазмунининг ўзгариши мумкин. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, давлат хизматчилари доимо ўз профессионал малакаларини ошириб боришлари лозим, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эса уларнинг мажбуриятига айланади.

Давлат хизматчиси хизмат этикаси меъёрларига риоя қилиши керак. Давлат хизматчиси ўзининг профессионал бурчини бажариши шарт. У ўзининг хизмат мажбуриятларини виждонан, адолатли, жамият манфаатларини эътиборга олган ҳолда бажариши лозим.

Давлат хизматчилари давлат сирини ҳамда қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларни сақлаш мажбуриятига эга. Амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматчиси мансаб ваколатларини ижро этиш орқали маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши лозим. Лекин шу билан бирга, қонунчиликда, қайси ҳолатларда давлат, хизмат ва бошқа қонун билан қўриқланадиган сирни ошкора этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, давлат хизматчиси жинойт ишининг қўзғатилиши муносабати билан ёки қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар-

да давлат, хизмат сирини ҳисобланган маълумотни ошкор қилиши мумкин.

Давлат хизматчилари ваколат доирасига кирадиган турли мурожаатларни (фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ариза, шикоят ва таклифларини) ўз вақтида кўриб чиқишга мажбур. Жумладан асосий қонуни-миз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-мод-дасига биноан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун¹нинг 11-модда иккинчи қисмига биноан аризалар ва шикоятлар давлат органига тушган кундан эъти-боран бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт. Демак, давлат хизматчилари ўз вакола-тлари доирасида мурожаатларни ҳолисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида кўриб чиқиш мажбуриятига эгадир.

Алимов Х.Р. кўрсатишича, давлат хизматчилари ўзлари-нинг мансаб мажбуриятларини ва функцияларини амалга оширишда:

➤ давлат хизматининг мақсадларига ва вазифаларига қатъий риоя қилиш;

➤ қонунларга, давлат манфаатларига, мансаб кўрсат-маларига асосланиб фаолият кўрсатиш, ваколат доирасига кирувчи давлат органларининг ва юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

➤ ўз фаолиятини доимо такомиллаштириш ва профес-сионал малакасини ошириб бориш;

➤ давлат ва хизмат сирларини сақлаш;

➤ фуқароларнинг кадр-қимматини ва шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-фаатларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш;

➤ маъмурий ҳокимият соҳасида қонунийликни таъ-минлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. №7.

- хизмат этикасига риоя қилиш;
- бошқарув маданияти даражасини ошириб бориш, бошқарув ишига янги замонавий усул ва шаклларни татбиқ қилиш;
- қонунчилик билан ўрнатилган иш куни вақтида хизматда бўлиш;
- қонун ҳужжатларга таянган ҳолда мурожаатларни (ариза, шикоят ва таклифларни) ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш;
- давлат хизматчилари мақоми ва тегишли давлат мансаби билан ўрнатилган бошқа мажбуриятларни бажарадилар.¹

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари тушунчаси.
2. Давлат хизматчилари мажбуриятларининг асосий аспекти.
3. Давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятлари.
4. Виждонан мансаб мажбуриятларини бажариш мажбурияти.
5. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва муҳофаза этилишини таъминлаш мажбурияти.
6. Ваколат доирасида юқори турувчи давлат органларининг фармойишлари, буйруқларини ижро этиш мажбурияти.
7. Малака даражасини сақлаш ва ошириб бориш мажбурияти.
8. Давлат сирларини сақлаш мажбурияти.
9. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мажбурияти.

¹ Административное право Республики Узбекистан. Ташкент, Адолат, 1999, с.123

12§. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар

Давлат хизмати давлат хизматчиларининг этикаси, маънавияти, ахлоқий жиҳатлари билан узвий боғлиқдир. Давлат хизматчиларига ишга киришда ҳам, хизматни ўташ жараёнида ҳам қўйидаги этик талаблар қўйилиши лозимдир:

биринчидан, юқори маънавий тамойилларга асосланиш, давлатга содиқлик; давлат хизматчилари давлат манфаатларини ўзининг индивидуал (шахсий) манфаатларидан устун қўйиши лозим;

иккинчидан, давлат хизмати тамойилларига риоя этиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларини ҳимоя қилишда ҳамма вақт тайёр туриши лозим; давлатга содиқлик бўйича берган касамёдини бузмаслиги, давлат лавозими бўйича берилган қонуний талабларни бажариши лозим;

тўртинчидан, давлат вазифалари ва функцияларини бажариш жараёнида самарали ва кам харажатли усулларни излаши ва қўллаши лозим;

бешинчидан, давлат хизмати фаолиятида бир субъектга қараганда иккинчи субъектга алоҳида имтиёзлар берилиши мумкин эмас;

олтинчидан, ўз манфаати ёки оила аъзолари манфаатлари учун давлат хизмат мансабидан фойдаланиши мумкин эмас;

еттинчидан, давлат хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ваъдаларни бериш мумкин эмас;

саккизинчидан, мансаб мажбуриятларини бажариш жараёнида олган махфий маълумотларни шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

тўққизинчидан, давлат хизматчилари тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас;

ўнинчидан, давлат органларидаги коррупцияга қарши доимий кураш олиб бориш;

ўн биринчидан, меҳнат фаолиятининг режимига риоя қилиш ва фуқаролар ва ҳамкасблари билан яхши муомалада бўлиш;

ўн иккинчидан, қасддан ёки бошқа манфаатлари учун давлат хизмат мансабидан фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат хизматчиси шаънига путур етказадиган ноҳўй ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар хусусиятига кўра жиноят бў-

либ ҳисобланмаса ҳам, бундай хизматчилар давлат органида ишлаши ва хизмат ваколатларини амалга ошириши мумкин эмас. Масалан, умум эътироф этилган меъёрлар ва қоидаларни қўпол бузиш, қонун талабаларини қасддан бузиш, виждонсизлик оқибатида ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариш, давлат хизматига содиқлик тўғрисидаги қасамёдни бузиш ва бошқалар. Бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида нафақат давлат хизматчисининг шаъни, балки давлат органларининг манфаатларига ҳам путур етказилади. Шу сабабли давлат хизматчилари ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат (давлат органи) авторитетини (яъни шаънини) сақлаб қолиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар тушунчаси.
2. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар турлари.

13§. Давлат хизматчилари учун чекловлар ва тақиқлар

Давлат хизматига кириш вақтида давлат хизматчилари нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, балки улар фаолиятида қонунчилик билан ўрнатилган маълум бир чекловлар ва тақиқлар ҳам қўйилади. Давлат хизматчилари ҳуқуқини чеклаш уларнинг давлат функцияларини бажариши билан, хизмат ваколатларини амалга ошириши билан тавсифланади. Давлат хизматидаги бундай чекловлар ва тақиқлар, биринчи навбатда давлат хизматининг нормал ва самарали функцияланишини таъминлайди, давлат хизматчилари томонидан мансаб ваколатларидан фойдаланишининг ҳуқуқий чегараларини ўрнатади, мансаб мажбуриятларини мустақил амалга ошириши учун шароит туғдиради.¹

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқлар уларнинг хизматни ўташининг бутун муддати жараёнида амалда бўлади.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар ва тақиқларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно). Давлат хизматчиси ўзини давлат хизматига бағишлаши лозим. Агар давлат хизматчиси бундай чекловни бузган ҳолда бошқа фаолият билан ҳам шуғулланса, у давлат хизматини ёки бошқа фаолиятни танлаши лозим бўлади;

иккинчидан, давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш тақиқланган. Давлат хизматчилари шахсан ёки бошқалар орқали ишлаб чиқариш билан, товарлар ва бошқа маҳсулотларни сотиш билан, фойда олиш мақсадида ишларни бажариш ёки пулли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиши мумкин эмас;

учинчидан, давлат хизматчиси учинчи шахсларнинг вакили бўлиши мумкин эмас, яъни давлат хизматчиси давлат хизматида бўлган ҳамда унга маълум бир жиҳатдан бўйсунган учинчи шахсларга вакиллик қилиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлсак, шахс вакил сифатида ишончнома асосида

¹ Ноздрачев А. Правоограничения государственных служащих. //Право и экономика. 1995. №15.

ҳаракат қилади. Ишончномада бир шахс номидан иккинчи шахснинг битимларни тузиши ёки бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириши кўрсатиб ўтилади. Агар бундай ишончнома давлат органига йўналтирилган бўлса ҳамда вакил давлат хизматчиси бўлиб ҳисобланса, ишончнома ҳақиқий ҳисобланмаслиги лозим;

тўртинчидан, давлат хизматчиси хизматдан ташқари вақтда моддий-техник, молиявий ва ахборот воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши тақиқланади;

бешинчидан, давлат хизматчилари жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши тақиқланади. Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган бўлса, бундай тақиқланган совғаларга: пул мукофоти, ссудалар, хизматлар, дам олиш ва транспорт ҳаражатларни қоплаш ва бошқалар қиради;

олтинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан хизмат сафарига ёки ҳорижий сафарга бориш тақиқланади;

еттинчидан, давлат хизматчисининг хизмат ваколатидан фойдаланиб давлат органларида жамоат бирлашмаларини (қасаба уюшмасидан ташқари) ташкил этиши ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши мумкин эмас ва бошқалар.

Амалдаги қонунчиликда давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиқувчи бошқа хилдаги чекловлар ва тақиқлар ўрнатилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган чекловлар тушунчаси ва турлари.
2. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқлар тушунчаси ва турлари.

14§. Давлат хизматчилари учун қонунчиликда ўрнатилган кафолатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига биноан давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Мазкур конституциявий меъёрдан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳам қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Демак, давлат хизматчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолати конституциявий асосга эгадир.

Давлат хизматчилари ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликда ўрнатилган барча воситалардан фойдаланадилар.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топгандир.

Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар уларнинг бажарадиган хизмат мажбуриятлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Давлат хизматчилари томонидан мансаб мажбуриятларининг сифатли бажарилишини, қонунчилик билан ўрнатилган ҳуқуқларни амалга оширилишини таъминлаш учун қонун чиқарувчи хизмат фаолиятининг асосий кафолатларини ўрнатади.

Давлат хизматчилари учун кафолат - бу қонунчиликда ўрнатилган давлат хизматчилари ҳолатининг ижтимоий-ҳуқуқий томонини характерловчи асосий ҳолатлардир.

Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш орқали давлат хизматчиларига нисбатан ўрнатилган қуйидаги кафолатларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, мансаб мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи иш шароитларининг жорий этилиши;

иккинчидан, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан назарда тутилган пул таъминоти ва бошқа хилдаги

тўловлар (масалан, ижтимоий (компенсацион) тўловлар ва ҳ.к.лар);

учинчидан, пул билан таъминланадиган ҳар йилги меҳнат таътили;

тўртинчидан, давлат хизматчиси ва унинг оила аъзоларининг тиббий хизматдан фойдаланиши;

бешинчидан, қайта тайёрланиш ва малакасини ошириш (пул таъминоти сақланган ҳолда);

олтинчидан, хизматчиларнинг мажбурий ижтимоий давлат суғуртаси ва ҳ.к.лар.

Қонунчилик ҳужжатларида давлат хизматчилари учун бошқа кафолатлар ҳам ўрнатилган бўлиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган кафолатлар тушунчаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ўрнатилган кафолатлар.
3. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ўрнатилган кафолатлар.

15§. Давлат хизматчиларининг таснифи

Барча давлат хизматчиларни турли асосларга кўра гуруҳларга бўлишимиз, яъни таснифлашимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиққан ҳолда, яъни ҳокимиятнинг учга бўлинишини эътиборга оладиган бўлсак, барча давлат хизматчиларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

биринчидан, қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари. Бизга маълумки Ўзбекистон Республикасида қонунчилик ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Олий Мажлис тўғрисида»ги қонун¹ билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нафақат қонунларни қабул қилиш билан, балки Конституция билан ўрнатилган ваколат доирасида ижро ҳокимияти органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ҳозирги вақтда ўзбек давлатчилигининг янги парламенти шакллантириш жараёни бошлаб юборилди. Унга кўра парламентимиз икки палатадан, яъни сенат (юқори палата) ва қонунчилик (қуйи) палатадан иборат бўлади;

иккинчидан, ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари. Давлат ва унинг аппаратининг функцияланиши ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Ижро ҳокимияти органлари ташкилий-бошқарув ва ижро-фармоийиш бериш фаолиятини амалга оширади.

Амалдаги қонунчиликга биноан Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти тизимига қуйидагилар киради:

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти. Конституциянинг 89-моддасига биноан Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи;

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Рес-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. №10.

публикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун¹га биноан Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати - иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

➤ вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда уларнинг бўлим ва бошқармалари;

➤ республика миқёсида ҳаракат қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар, корпорация, концерн, компания, асоциация ва бошқа бирлашмалар;

➤ ҳокимлар ва ҳокимиятлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун²га биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладиган вилоят, туман, шаҳар вакиллик органлари (яъни халқ депутатлари Кенгашлари) ва ҳокимиятнинг ижроия аппарати киради;

учинчидан, суд ҳокимияти органларининг хизматчилари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва ҳўжалик судидан, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун³га биноан Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 1994. №6

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 1995. №10

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001. №1

даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Давлат хизматчиларининг таснифи юридик адабиётларда турлича берилган. Жумладан, таниқли рус ҳуқуқшуноси Овсянко Д.М.нинг фикрича давлат хизматчиларини қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

1) *давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб давлат хизматчилари:*

- республика миқёсида ҳаракат қилувчи хизматчилар;
- маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи хизматчилар;

2) *давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчиларини:*

- фуқаролик давлат хизматчилари;
- милитарланган давлат хизматчилари (масалан, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари хизматчилари);

3) *ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари;*

- қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари;
- ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари;
- суд ҳокимияти органларининг хизматчилари;

4) *мансаб ваколатларининг ҳажмига кўра давлат хизматчилари:*

- мансабдор шахслар;
- мансабдор шахслар таркибига кирмайдиган бошқа хизматчилар;

5) *хизмат муддатининг давомийлигига кўра давлат хизматчиларини:*

- маълум бир муддатга тайинланадиган (сайланадиган) хизматчилар;
- белгиланмаган муддатда тайинланган хизматчилар;
- синов муддати билан тайинланган хизматчилар ва бошқаларга бўлинади¹.

Алимов Х.Р. ўзининг «Административное право Республики Узбекистан» китобида давлат хизматчиларининг қуйидаги тўрта гуруҳини кўрсатиб ўтади:

1) **Раҳбарлар.** Раҳбарлар мазкур давлат органининг, корхона, муассаса ва ташкилотнинг функцияларини амалга ошириб:

¹ Қаранг: Административное право. Москва, Юристъ, 2000, с.211-216

➤ унга бўйсундирилган давлат хизматчилари аппарати-нинг иш фаолиятини йўналтиради;

➤ ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, интизомий жа-вобгарликка тортиш, молияга ҳамда товар-моддий бойликлар-га эгаллик қилиш, раббатлантириш, мазкур орган номидан имзо чекиш ва бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, раҳбарлар давлат-ҳокимият ваколатларини амал-га ошириб, раҳбарлик қилаётган орган фаолияти учун шах-сий жавобгар ҳисобланади.

Раҳбарлар ўзларига бўйсунган органлар, корхона, муас-саса ва ташкилотларнинг оператив (яъни кундалик) ва ҳўжа-лик фаолиятига аралаштириш, уларнинг ишини йўналтириш, на-зорат қилиш, мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга-дир. Раҳбарлар таркибига вазирларни, давлат қўмита-ларининг раисларини, бошлиқларни, бошқарувчиларни, дире-кторларни, ректорлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Мазкур тоифадаги давлат хизматчилари юридик адабиёт-ларда кўпинча мансабдор шахслар сифатида ифода этилади. Лекин, давлат хизматчиларининг аксарияти давлат ташкило-тида маълум бир давлат мансабини эгаллагани сабабли, ула-рни мансабдор шахслар жумласига киритишимиз мумкин. Шу сабабли ҳар қандай давлат хизматчисини (мансабдор шахсни) раҳбарлар таркибига киритиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қа-бул қилинган қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Респуб-ликаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-модда иккинчи қисмига биноан мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб тур-ган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бе-риш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.¹ Кўриниб турибдики, ман-сабдор шахс бўлиб раҳбарлар ҳам, назорат функциясини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа хизматчилар ҳам (масалан, ички ишлар органларининг ходимлари, санитария назорати органларининг ходимлари ва ҳ.к.лар) ҳисобланади;

2) **асосий таркиб** - давлат хизматчилари таснифининг иккинчи асосий ва муҳим аҳамиятли гуруҳи бўлиб, мазкур

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент, Адолат, 2000.

органга юклатилган функцияларнинг деярли барчасини ба-
жаради, мазкур органнинг функциялари шахсан амалга оши-
рилади. Асосий таркибга кирувчи давлат хизматчилари
раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамият-
ли ҳаракатларни содир этмайдилар (масалан, ишга олиш,
ишдан бўшатиш, фаолиятни йўналтириш ва ҳ.к. лар). Бу гу-
руҳ давлат хизматчиларига инженерларни, иқтисодчиларни,
агрономларни, архитекторларни, врачларни, ўқитувчиларни,
илмий ходимларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин.
Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим ҳолларда
раҳбарлар томонидан юридик аҳамиятли ҳаракатларнинг
амалга оширилиши мутахассисларга боғлиқ бўлади. Масалан,
раҳбар ходимни меҳнатдан вақтинча бўшатиш тўғрисидаги
буйруқни, врачнинг маълумотномасиз чиқариши мумкин
эмас. Давлат хизматчилари асосий таркибининг ҳаракатлари,
охир оқибат давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилот
фаолиятининг сифатини ҳам белгилаб беради. Асосий таркиб-
нинг ишига қараб давлат органининг фаолиятига баҳо берилади.
Шу сабабли ҳам, давлат органида хизматчиларнинг асосий
таркибини шакллантиришда кадрларни танлаш ва уларни
жой-жойига қўйиш масаласига катта эътибор берилади;

3) **ёрдамчи хизматчилар**. Давлат хизматчиларининг
мазкур гуруҳини давлат органининг нормал функцияланиши
учун зарур бўлган ёрдамчи функцияларни амалга оширувчи
хизматчилар ташкил этади. Ёрдамчи хизматчилар давлат ор-
ганининг нормал функцияланиши учун шароит яратиб бера-
ди. Ёрдамчи хизматчилар таркибига секретарлар, иш юри-
тувчилар, курьерлар, машинисткалар, лаборантлар, экспеди-
торлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Ёрдамчи хиз-
матчиларнинг хизмат фаолияти доирасига хизмат
ҳужжатларини, статистик маълумотларни тайёрлаш,
ҳужжатларни юбориш ва бошқа ёрдамчи-техник
ҳаракатларни амалга ошириш киради. Ёрдамчи хизматчилар-
нинг фаолияти юридик аҳамиятга эга эмас. Масалан, қўлда
ёзилган хизмат ҳужжатининг машинистка томонидан тери-
ши, тегишли раҳбар томонидан имзо қўйилмагунча ёки
муҳрланмагунча юридик аҳамиятга эга бўлмайди;

4) **маъмурий ҳокимият вакиллари** — давлат
хизматчиларининг алоҳида гуруҳи ҳисобланади. Маъмурий
ҳокимият вакиллари - давлат хизматчиларининг шундай гу-
руҳики, улар ўз ваколатлари доирасида бошқа шахсларга,

хизмат бўйсунувидан қатъи назар, бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин. Ҳокимият вакиллари-га судьяларни, прокурорларни, депутатларни, Қуролли кучлар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар таркибига кирувчиларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Ҳокимият вакиллари умумий хусусиятдаги ваколатларни амалга оширадилар: хизмат юзасидан уларга бўйсунмаган шахсларга мажбурий фармойишлар бериш, маъмурий таъсир этиш чораларини қўллаш ва ҳ.к.лар. Маъмурий ҳокимият вакиллари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлиб, конкрет давлат органи номидан ва унинг кўрсатмасига биноан ҳаракат қиладилар.¹

Демак, давлат хизматчилари - бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни маълум бир ҳақ эвазига амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидир.

Таниқли рус олими Ю.Н.Стариков барча давлат хизматчиларини қуйидаги асосий хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлинишини кўрсатади:

1) давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг давом этишига қараб давлат хизматчиларни:

➤ умрбод давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, юқоридаги ҳолатни Ўзбекистон қонунчилигида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 97-моддасига биноан ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди;

➤ маълум бир муддатга давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар, улар алоҳида ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилади;

➤ муддати белгиланмаган ҳолда давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар;

➤ синов муддати белгиланган ҳолда давлат лавозимига тайинланадиган хизматчилар;

2) ҳаракат доирасига қараб давлат хизматчиларини:

➤ республика хизматчилари;

➤ маҳаллий хизматчилар;

¹ Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, Адолат, 1999, с.113-116.

3) билим даражасига ва профессионал тайёргарлига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари:

- олий;
- бош;
- катта;
- кичик гуруҳларга кирувчи ва бошқа давлат хизматчиларга бўлинади.¹

Демак, давлат хизматчиларини қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда турли асосларга кўра бир неча гуруҳларга бўлишимиз, яъни таснифлашимиз мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчилари таснифи тушунчаси.
2. Қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари.
3. Ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари.
4. Суд ҳокимияти органларининг хизматчилари.
5. Фаолият доирасига кўра давлат хизматчиларининг турлари.
6. Давлат хизмати хусусиятларига кўра давлат хизматчиларининг хусусиятлари.
7. Мансаб ваколатларининг ҳажмига кўра давлат хизматчиларининг турлари.
8. Хизмат муддатининг давомийлигига кўра давлат хизматчиларининг турлари.
9. Раҳбарлар.
10. Асосий таркиб.
11. Ёрдамчи хизматчилар.
12. Маъмурий ҳокимият вакиллари.

¹ Старилов Ю.Н. Службное право. Москва, БЕК, 1996, с.345-355.

16§. Давлат хизматини ўташ тушунчаси ва тартиби

Давлат хизмати ҳуқуқий институтида давлат хизматини ўташ асосий элемент бўлиб ҳисобланади. Бу давлат-хизмат муносабатларининг юзага келиши билан, яъни хизматчининг тегишли лавозимни эгаллаши, лавозим бўйича ҳаракатланиши, хизматчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш ҳамда давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан бекор бўлувчи жараён дир.

Давлат хизматини ўташ институти, - “Аппарат управления государства” китобида кўрсатилишича, - бошқарув аппаратига ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш усуллари унратиш ва амалга оширишдан бошланади.¹

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ўташ давлат хизмати ҳуқуқий институтининг ички институти бўлиб, қуйидагиларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат дир:

- давлат лавозимини эгаллаш;
- турли давлат органлари ходимларининг махсус профессионал тайёргарлиги;
- ўриндошлик;
- хизматчилар томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини бажариши ва ҳуқуқларини амалга ошириши;
- малака разрядларнинг, махсус унвонларнинг бериш тартиби;
- хизматчиларни рағбатлантириш ва уларни жавобгарликка тортиш;
- давлат хизматчиларининг аттестацияси;
- хизмат бўйича ҳаракатланиш;
- хизматнинг шароитлари;
- давлат хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси (кафолатлар, имтиёзлар, компенсациялар);
- давлат хизматининг тугаши асослари ва усуллари.

Таниқли рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича, *давлат хизматини ўташ икки турдаги ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади*. Бу ҳуқуқий актлар бир-биридан юридик оқибатларни юзага келтириши билан фарқланади.

¹ Аппарат управления государства. Ч.2. Москва, 1977, с.205

Биринчи ҳуқуқий акт - бу *норматив ҳуқуқий актлар* бўлиб, улар орқали барча фуқаролар томонидан ўталадиган давлат хизматининг умумий тартиби ўрнатилади. Норматив актлар орқали давлат хизматига қабул қилиш тартиби, синов муддатини ўташ, аттестация ўтказиш тартиби, давлат хизмати шароитларининг хусусиятлари, мансабларни эгаллаш, ма-лака разрядларни, илмий унвонларни бериш ва бошқа маса-лалар белгилаб берилади.

Иккинчи ҳуқуқий акт - бу *индивидуал (якка тартибда-ги ёки маъмурий) актлар*. Индивидуал актлар аниқ бир фуқаро учун давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларини юзага келтиришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда юридик факт сифатида хизмат қилади.¹

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳу-қуқий ҳолати амалга оширилади. Давлат хизматини ўташ - сиёсий ва маъмурий давлат лавозимларини тўлдириш фао-лияти - давлат маъмуриятида мансабларнинг давлат хизмат-чилари томонидан кетма-кетликда алмашинувини, хизматчи-ларнинг давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ҳар бир давлат хизматчиси якка тартибдаги лавозим (хизмат) йўналишига эгадир. Шунинг учун ҳам амалда давлат хизматини ўташ ҳам индивидуалдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан давлат хизматига қабул қилишнинг, синов муддатини ўташнинг тар-тиби, давлат хизмати шароитларининг ўзига хос хусусиятла-ри, хизматчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби, давлат лавозимларини эгаллаш ва бошқалар белгилаб берилгандир.

Амалдаги қонунчиликга биноан **давлат хизматига ки-риш ҳуқуқига**, қоида бўйича, давлат тилини биладиган, про-фессинал таълимга эга бўлган, давлат хизматига қўйилган талабларга жавоб бера оладиган Ўзбекистон Республикаси-нинг 18 ёшга тўлган фуқаролари эгадир. Давлат хизматига ишга киришда, шунингдек, уни ўташ жараёнида маълум бир, масалан, миллати, тили, жинси, келиб чиқиши, мулкый аҳволи, эътиқоди ва бошқа белгиларга қараб чекловларнинг қўйилиши мумкин эмас.

Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси - бу давлат лавозимини эгаллашдир. Давлат лавозимини эгаллаш фуқа-

¹ Административное право. Учебник под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. москва, Юристъ, 2000, с.222.

ронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин. Жумладан, фуқаролар қуйидаги ҳолларда давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин эмас:

биринчидан, фуқаро суд ҳукми билан муомилага лаёқатсиз ёки муомила лаёқати чекланган деб топилган бўлса;

иккинчидан, суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса;

учинчидан, тиббий муассасанинг хулосасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолайиқ бўлса;

тўртинчидан, ўзаро яқин қариндошларнинг бўйсунув асосида давлат хизматини битта давлат органида ўташи ва бошқа ҳолатлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодексининг 79-моддасига биноан ўзаро яқин қариндош ёки қуданда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.¹

Амалдаги қонунчиликка биноан *фуқаролар давлат хизматида киришда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:*

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни; меҳнат дафтарчасини, биринчи мартаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур иш-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Тошкент, Адолат, 1996.

ни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади. Махсус қонун ҳужжатлари билан давлат хизматига киришда бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Давлат хизматига кириш мақсадида тақдим этилган ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишдан ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматини ўташ шароитларига эса қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

➤ хизмат вақтининг, ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги;

➤ қўшимча меҳнат таътиллари;

➤ хизматчиларнинг пул таъминоти;

➤ имтиёзлар, кафолатлар ва компенсациялар;

➤ давлат ижтимоий суғуртаси;

➤ хизмат уйи, хизмат автотранporti билан таъминлаш тартиби;

➤ хизмат сафарида бўлганда ижтимоий-маиший ва техник-хусусиятдаги хизматлар.

Давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг юзага келишида икки асосий ҳуқуқий ҳужжатни: биринчидан, меҳнат шартномаси; иккинчидан, фуқарони давлат хизматидаги давлат лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқни фарқлай олиш лозим.

Фуқаронинг давлат хизматига кириши **меҳнат шартномаси** билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида мутаян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномалари:

- номуайян муддатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Давлат хизматида киришнинг, яъни давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг юзага келишининг иккинчи асосий ҳужжати - бу **фуқарони давлат хизматидаги давлат лавозимида тайинлаш тўғрисидаги буйруғидир.**

Давлат хизматида меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки **синов шarti** билан ҳам тузилиши мумкин:

- ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;
- ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белги-ланмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

Давлат хизматини ўташдаги асосий элементлардан яна бири - бу **давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши**дир. Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши қўйидагича бўлиши мумкин:

- ходимнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида юқори лавозимни эгаллаши;
- бир хил аҳамиятдаги лавозимни эгаллаши;
- қўйи лавозимга ўтказилиши;
- ўқишга кириши муносабати билан лавозимидан озод қилиш, шунингдек, ўқишни тамомлаганидан сўнг лавозимга тайинланиши.

Давлат хизматчисининг хизмат (лавозим ёки мансаб) бўйича ҳаракатланиши тегишли раҳбарнинг буйруғи билан расмийлаштирилиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматини ўташ тушунчасини беринг.
2. Давлат хизматини ўташ институти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Давлат хизматини ўташда норматив ҳужжатларнинг тутган ўрни.
4. Давлат хизматини ўташда индивидуал ҳужжатларнинг тутган ўрни.
5. Давлат хизматига кириш ҳуқуқи.
6. Давлат лавозимини эгаллаш.
7. Давлат хизматига киришда тақдим этиладиган ҳужжатлар.
8. Давлат хизматини ўташ шароитлари нималардан иборат.
9. Давлат хизматида меҳнат шартномалари.
10. Давлат хизматида синов муддати.
11. Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши.

17§. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш

Давлат хизматини такомиллаштириш ва тартибга солишни хизматчиларни доимий аттестациядан ўтказишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аттестация қондаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш тартиби ҳамда хизмат бўйича ҳаракатланиш бевосита боғлиқ бўлган жараёнлардир.

Давлат хизматини ўташда давлат хизматчиларининг аттестациясидан ўтказиш ҳуқуқий институти катта аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳуқуқий институт Ўзбекистон Республикасининг турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида гапиришдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик адабиётларда бу масала унчалик ёритиб берилмагандир.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ҳуқуқий институти - давлат хизматини ташкил этиш, турли давлат органлари ваколатларини амалга ошириш ва таъминлаш бўйича вазифа ва мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.

Аттестация, тор маънода, хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий хислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-лавозим талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади.

Таниқли рус олими Ю.Н.Стариловнинг фикрича: давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш - давлат хизматчисининг профессионал тайёргарлик даражасини ва эгаллаган давлат лавозими талабларига лойиқлигини текшириш, шунингдек, давлат хизматчисига малака разряд бериш масаласини ҳал этиш мақсадида ўтказилади. Демак, қонун чиқарувчи томонидан аттестациянинг икки асосий вазифаси белгилаб қўйилган:

биринчидан, хизматчининг эгаллаган лавозимига лойиқлигини белгилаш (яъни профессионал тайёргарлик даражасини аниқлаш);

иккинчидан, навбатдаги малака даражасини бериш.¹

Аттестация кенг маънода, қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

¹ Каранг: Старилов Ю.Н. Служебное право. Москва, БЕК, 1996, с.398-413

- амалиётда давлат хизмати тамойилларига риоя этиш;
- давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш;
- давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш;
- давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш;
- давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини қўллаш;
- интизомни ва жавобгарликни ошириш;
- хизматчиларнинг хизмат зинапояси бўйича ҳаракатланишини таъминлаш;
- давлат хизмати мувозанатини таъминлаш;
- давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш;
- давлат хизмати тизимида ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши кураш ва огоҳлантириш ва бошқалар.

Бошқа рус олимларининг фикрича эса, аттестация давлат хизматида кадрларни танлаш бўйича фаолиятни такомиллаштириш, хизматчиларнинг малакасини ошириш, уларни жой-жойига қўйиш, хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини аниқлаш, эгаллаган лавозимига лойиқлиги, шунингдек, навбатдаги малака даражасини бериш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган юқори турувчи давлат органларининг фаолиятидир.¹

Аттестация давлат хизматчиларининг профессионал хислатларига баҳо беришдир. Айрим ҳолларда аттестация аниқ мақсадларга эришиш ва аниқ қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Аттестацияни ўтказиш мақсадида аттестация комиссияси тuzилади, аттестация ўтказиш жадвали тасдиқланади, аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган шахслар доираси белгиланади ҳамда аттестация комиссияси учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади.

Аттестация аттестациядан ўтказилаётган шахс иштирокида амалга оширилади. Агар хизматчи узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, унинг иштирокисиз ҳам ўтказилиши мумкин.

¹ Административное право. Учебник под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юрист, 2000, с.224.

Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқади, аттестациядан ўтказилаётган хизматчи ҳамда зарурат туғилган ҳолларда унинг раҳбари эшитилади. Аттестациядан ўтказилаётган хизматчиларнинг профессионал ва шахсий хислатларини муҳокама қилиш объектив ва белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

Хизматчининг хизмат фаолиятига баҳо бериш - эгалланган лавозими бўйича қўйилган талабларга лойиқ келиши, тегишли давлат органи олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида унинг иштирокини аниқлаш, у томонидан амалга ошириладиган ишнинг қийинлиги, иш фаолиятининг натижалари ва бошқаларга асосланади. Бундан ташқари аттестация вақтида хизматчиларнинг профессионал билими, иш тажрибаси малакасини ошириш ва қайта тайёрланиш, шунингдек, ташкилотчилик хислатлари (тегишли мансаб гуруҳлари учун) инobatта олиниши лозим.

Аттестация натижаларига кўра аттестация комиссияси давлат органи раҳбарига:

давлат хизматчисини лавозимга кўтариш;

навбатдаги малака даражасини бериш;

хизматнинг махсус шароитлари (мушкуллиги, ишнинг махсус тартиби ва ҳ.к.лар) учун қўшимча ҳақни ўзгартириш;

юқори лавозимга кўтариш учун захирага киритиш каби асослантирилган тавсияларни бериши мумкин.

Аттестация натижаларига кўра давлат хизматчиларига қуйидаги уч турдаги баҳо берилиши мумкин:

биринчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқлиги;

иккинчидан, хизмат фаолияти юзасидан аттестация комиссияси кўрсатмаларини бажарган тақдирда, эгаллаган лавозимига лойиқлиги;

учинчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқ эмаслиги.

Агар давлат хизматчиси эгаллаб турган давлат лавозимига нолайиқ деб топилган бўлса, у малакасини оширишга ёки қайта тайёрланишга ёхуд бошқа давлат лавозимига ўтказилиши мумкин.

Юқорида кўриб чиққанамиздек, аттестацияларни фаолият сифатида ҳам олиб кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан, **аттестация фаолияти бир неча элементларидан ташкил топади**, яъни:

1) аттестацияни ўтказишни ташкил этувчи ва аттестация олдида турган вазифаларни ҳал этувчи – **субъект**. Ат-

тестация субъекти - бу хизматчининг профессионал, ишчанлик, шахсий хислатларини ҳамда фаолиятининг натижаларини баҳоловчи шахслар гуруҳи (коллегияси) ҳисобланади. Аттестация субъекти - бу аттестация комиссияси бўлиб, профессионал, принципиал хизматчилардан иборат;

2) хизматчилар томонидан мансаб мажбуриятлари ва функцияларини амалга ошириш бўйича муносабатларни ифодаловчи - **объект**. Аттестация объекти махсус норматив акт талабига биноан аттестациядан ўтказиладиган давлат хизматчиларидир;

3) аттестациянинг конкрет натижаларига эришиш мақсадида амалга ошириладиган - **жараён**. Аттестация жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- аттестациянинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- тайёрлов тадбирларини ишлаб чиқиш;
- аттестацияланадиган хизматчи тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ўрганиш, анализ қилиш ва умумлаштириш;
- хизматчиларни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;
- хизматчиларни аттестацион баҳолаш, давлат хизматидаги давлат лавозимига лойиқлигини аниқлаш;
- аттестация комиссияси томонидан тавсияларни тайёрлаш;
- аттестация натижаларига кўра юқори давлат органи ёки раҳбар томонидан давлат хизматчисига малака даражасини бериш, моддий ёки маънавий рағбатлантириш, юқори лавозимга тайинлаш учун заҳирага киритиш каби қарорларнинг қабул қилиш тартибини ўрнатиш;
- аттестация натижаларини - аттестация комиссияси баҳоларини ва тавсияларини амалга ошириш тартибини шакллантириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган аттестация элементларининг ўзаро алоқаси, уларнинг бирлигини ташкил этади.

Давлат хизматчиларининг аттестацияси шундай фаолиятки, унинг жараёнида аттестация комиссияси томонидан, давлат лавозимига лойиқлик даражасини аниқлаш мақсадида, илмий асосланган тартибда хизматчиларнинг ишчанлик, шахсий ва профессионал хислатларига, хизмат фаолияти жараёнига ва натижаларига баҳо берилади.

Рус олими Б.П.Курашвилининг фикрича: аттестация шундай фаолиятки, унинг самарали амалга оширилиши натижа-сида қуйидагилар тўлиқ ҳажмда аниқлаб берилади:

➤ аттестациясини тайёрлаш;

➤ баҳолашни амалга ошириш ҳамда хизматчиларнинг ишини назорат қилиш;

➤ аттестация натижаларига кўра тегишли юқори орган ёки тегишли раҳбар томонидан қарорнинг қабул қилиниши;

➤ хизматчиларнинг, шунингдек, маъмуриянинг фаолияти-ни такомиллаштириш бўйича аттестация комиссиясининг тавсияларини амалга ошириш;

➤ аттестацияларни ўтказиш ва уларнинг натижалари билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этиш;

➤ аттестация натижалари;

➤ илғор аттестация тажрибасини татбиқ этиш ва бошқалар.¹

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш кадрлар сиёсати ва давлат хизматини бошқаришда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади, давлат органларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган кадрлар сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишни таъминловчи воситадир

Назарий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат хизматчиларининг аттестацияси ҳуқуқий институт сифатида давлат хизматини ўташ институти таркибидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар йиқиндисидан иборат. Аттестация ҳуқуқий институти таркибига кирувчи меъёрлар хизматчиларни баҳолашни ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган органлар фаолиятининг белгиланган тартибини ўрнатади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш қуйидаги функцияларни бажаради: баҳолаш, назорат, хизматчилар билан ишлашни яхшилаш, сиёсий, иқтисодий, ташкилий, коммуникатив, ахборот, мувозанатни сақлаш ва бошқалар.

Аттестация фаолиятининг мазмуни ва моҳияти унинг тамойиллари орқали очиб берилади. **Аттестация тамойиллари**га қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

➤ аттестациянинг партиядан ҳолилиги;

➤ аттестациянинг умумийлиги;

➤ ошкоралик;

¹ Курашвили Б.П. Очерк теории государственного управления, Москва, 1987, с.166-167.

- коллектив баҳолаш;
- аттестациянинг даврийлиги (тизимга эга эканлиги);
- баҳолашнинг комплекс равишда амалга оширилиши;
- баҳолашнинг объективлиги;
- баҳолашнинг ва тавсияларнинг асосланганлиги.

Демак, давлат хизматини ўташда, давлат хизматчиларининг хизмат буйича ҳаракатланишида, хизматчиларга навбатдаги малака даражасини беришда аттестацияларни ўтказишнинг ўрни каттадир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Аттестация институти тушунчаси.
2. Аттестация тушунчаси.
3. Аттестациясининг асосий вазифалари.
4. Хизмат фаолиятига баҳо бериш.
5. Хизмат фаолиятига баҳо беришнинг турлари.
6. Аттестация фаолияти ва унинг элементлари.
7. Аттестация жараёнида аниқланадиган ҳолатлар.
8. Аттестация тамойиллари.

18§. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш.

Давлат хизмати соҳасида давлат хизматчиларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Рағбатлантириш давлат органининг, мансабдор шахнинг ёки бошқа субъектнинг хизматчи эҳтиёжларига, манфаатларига, иродасига, амалий ҳолатига, шунингдек, унинг давлат-хизмат фаолиятига таъсир кўрсатишидир. Рағбатлантириш интизомнинг, меҳнат сифатининг яхшиланишига кўмаклашади, хизматчиларнинг ташаббускорлик ва жавобгарлик руҳида тарбиялайди.

Рағбатлантириш ҳамма вақт маълум бир ҳуқуқий асосга таянади. У - ўз вақтида, объектив ва маълум бир аҳамиятли бўлиши керак. Рағбатлантириш шундай қўлланилиши лозимки, у бошқарув ишининг юқори натижаларига эришишнинг стимулига айланиши лозим. Бу маънода рағбатлантириш мувозанатга келтиришнинг тури (шакли) ҳисобланади.

Давлат хизмати ҳуқуқий институтини кўриб чиқиш вақтида, рағбатлантириш масаласига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас, чунки аксарият давлат хизмати тўғрисидаги меъёрларни ўз ичига олган қонунчилик ҳужжатларида айнан шу атамадан фойдаланилади.

Рағбатлантириш индивидуал ёки коллектив, мазмунига кўра эса - моддий, маънавий ёки аралаш бўлиши мумкин.

Рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича: рағбатлантириш давлат хизматчилари томонидан ўз мансаб мажбуриятларини виждонан ва муваффақиятли бажариши, узоқ муддатли хизмати, муҳим ва алоҳида муҳим вазифаларни бажаргани учун қўлланилади. Рағбатлантириш - давлат хизматчиларини тарбиялашнинг ҳамда хизмат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан биридир.¹

Давлат хизматчиларига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш бундай чорани қўллаш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилади. Бунда улар қонунчиликда белгиланган тартибда ва ваколат доирасида рағбатлантириш чораларини қўллашлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликда давлат хизматчиларининг маънавий ва моддий кўринишдаги турли рағбатлантириш чоралари назарда тутилган.

¹ Административное право. Учебник под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000, с.227.

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариши;
- вазифа ва кўрсатмаларнинг муддатидан олдин бажарилиши;
- хизматчининг ташаббускорлиги;
- вазифаларни виждонан бажариши ва интизомлилиги асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодексининг 180-моддасига биноан ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.¹

Мисол тариқасида алоҳида бир давлат органини олиб қарасак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлда 291-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисида»ги Низомга биноан Департамент ходимлари хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганликлари, ташаббускорлиги ва ишдаги тезкорлиги учун рағбатлантириладилар. Рағбатлантиришларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ташаккурнома;
- пул мукофоти;
- илгари берилган жазони олиб ташлаш;
- фахрий ёрлик;
- совға;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Тошкент, Адолат, 1996.

- қимматбаҳо совға;
- белгиланган муддат тўлишидан аввал навбатдаги даражали махсус унвон бериш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳамда Давлат органлари ходимлари касаба уюшмалари уюшмаси Марказий Қўмитаси ва жамоат ташкилотларининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш мумкин.

Департаментнинг ходимлари алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Департамент бошлиғига ўзининг шахсий фармойиши билан оддий ходимдан бошлаб Департамент бошлиғи ўринбосаригача ходимларнинг лавозим маошларига бир йиллик лавозим маоши миқдорида рағбатлантириш шаклида мукофотлаш устамалари белгилаш ҳуқуқи берилади.

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш Департамент фаолияти натижаси ва у туфайли давлат бюджети олган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

Берилган интизомий жазо ўз кучини йўқотмаган ходимларга нисбатан рағбатлантириш қўлланилмайди.

Рағбатлантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчидан, ташаккурнома эълон қилиш, пул мукофоти, совға бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Департамент бошлиғи томонидан амалга оширилади;

иккинчидан, қимматбаҳо совға билан мукофотлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Фахрий ёрлиғини бериш, белгиланган муддат тўлишидан аввал навбатдаги даражали махсус унвон бериш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиғини бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади.

Рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқарилади ва у Департаментнинг рағбатлантирилаётган ходимига эълон қилинади. Зарур ҳолларда эса Департаментнинг барча ходимлари эътиборига етказилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ходимнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига тикиб қўйилади.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами. 2001, №7

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш тушунчаси.
2. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш турлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига биноан рағбатлантириш тартиби ва турлари.

198. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги

Амалдаги қонунчиликда нафақат давлат хизматчиларини рағбатлантириш, балки юридик жавобгарликка: интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳам назарда тутилган.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги деганда - хизматчиларининг қонунга хилоф қилмишига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган у ёки бу турдаги жазо чораларини қўллаш тушунилади.

Юридик адабиётлардан келиб чиққан ҳолда, қонунга хилоф қилмишни, яъни ҳуқуқбузарликни иккига: ножўя ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва жиноятга бўлишимиз мумкин.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги хизматчилар томонидан қонун талабларининг бажарилмаганлиги, мансаб мажбуриятларига бефарқ қараши, давлатга, жамоат бирлашмаларига моддий зарар етказиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиши оқибатида юзага келиши мумкин.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосларидан бири - бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига биноан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.¹

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиял ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

➤ фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. №9

➤ фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик тугдирган;

➤ фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги қонунийликни ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, унинг томонидан мансаб мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келиши мумкин.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосий турларидан бири - бу интизомий жавобгарликдир.

Демократик жамият, унинг иқтисодий асослари, меҳнатни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодиёт, ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятни бошқариш - барча аъзоларнинг ягоналиги ва интизомлиги, қатъий жамият ва давлат интизومي, шунингдек, хизмат интизомининг юқори ташкилотчилигини талаб этади.

Интизомий жавобгарлик давлат хизматчисини давлат лавозимига тайинлаш ваколатига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилиши мумкин. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги лавозим ноҳўя қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учун қўлланилади. Чунки меҳнат (хизмат) интизомига риоя қилиш ҳамда давлат интизомини мустаҳкамлаш давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан биридир.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги - улар томонидан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Интизомий жавобгарлик - лавозим ноҳўя қилмишини содир этган давлат хизматчиларига маъмурият вакили (раҳбар, бошлиқ) томонидан интизомий жазо чораларини қўллашни англатади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги:

- 1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан;
- 3) интизом уставлари ва махсус низомлар билан;
- 4) ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири - бу Ўзбекистон Республикасининг 21 декабр 1995 йил қонуни билан тасдиқлан-

ган Меҳнат кодекси ҳисобланади. Мазкур кодексга биноан корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида хизматчиларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

Давлат хизматчиси ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Хизматчининг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Давлат органи (ташкилот) хизматчилар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шарт.

Давлат органи (ташкилот) хизматчининг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки хизматчи ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Ҳар бир хизматчи ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим.

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф хизматчиларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади.

Хизматчига меҳнат интизомини бузганлиги учун ваколатли орган ёки раҳбар қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Юқорида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал хизматчидан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Хизматчининг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, хизматчининг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, хизматчининг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, - содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор хизматчига маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Агар хизматчи шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган орган ёки раҳбар ўз ташаббуси билан, хизматчининг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки хизматчининг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, хизматчининг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, хизматчига нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлигидан фарқлай олиш лозим. Юқорида кўриб чиқганимиздек, давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги лавозим ножўя хатти-ҳаракати оқибатида юзага келади. Маъмурий жавобгарлик эса маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун, яъни ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ўрнатилган умум-мажбурий қоидаларни (масалан, йўл ҳаракати қоидаларини, техника хавфсизлиги қоидалари, ёнғинга қарши қоидалар) бузганлик учун қўлланилади. Интизомий жавобгарлик одатда, давлат органи раҳбари томонидан қўлланилса, маъмурий жавобгарлик ваколатли давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслари томонидан қўлланилади. Интизомий жавобгарликни қўллашда бўйсунувлик мавжуд бўлса, маъмурий жавобгарликни қўллашда айбдор шахснинг жавобгарликни қўлловчи орган ёки мансабдор шахсга бўйсунуши шарт эмас.

Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик интизомий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам белгиларини ўзида ифода этган бўлиши мумкин ҳамда бу ҳуқуқбузарлик икки турдаги жавобгарликни юзага келтиради. Масалан, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши интизомий жавобгарликни ва маъмурий жавобгарликни қўллашга асос бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Интизомий жавобгарлик тушунчаси.
2. Давлат хизматчилари интизомий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Давлат хизматчилари интизомий жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари.
4. Давлат хизматчиларига нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари.

20§. Давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан маъмурий ноҳўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик) учун нафақат фуқаролар, балки мансабдор шахслар (давлат хизматчилари) ҳам жавобгарликга тортилади.

Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган умум мажбурий қоидаларни бузиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябр 1994 йил қонуни билан тасдиқланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.¹

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Масалан, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-модда); ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-модда); Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-модда) санитария қонунчилигини бузиш ва бошқалар, яъни 201 та маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибидан 102 таси учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., Адолат, 2000.

Ҳарбий хизматчиларнинг ва бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги бошқа тартибда ҳал қилинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасига биноан эса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жа-зо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
 - 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
 - 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусо-дара қилиш;
 - 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқу-қидан) маҳрум этиш;
 - 5) маъмурий қамоққа олиш.
- Қоида бўйича, давлат хизматчилари (мансабдор шахс-лар) маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобла-нади.

Таниқли рус олими Ю.Н.Стариловнинг кўрсатишича, да-влат хизматчилари маъмурий жавобгарликга тортилганда

одатда иккита маъмурий жазо чораси - огоҳлантириш ва жарима жазолари қўлланилиши мумкин.¹

Такрорлаш учун саволлар

1. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси.
2. Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари.
4. Давлат хизматчиларига нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари.

¹ Старилов Ю.Н. Службное право. Москва, БЕК, 1996, с.428

21§. Давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги

Амалдаги қонунчиликда мансабдор шахсларнинг (давлат хизматчиларининг) жиноят содир этганида қўлланиладиган жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Демак, давлат хизматчилари жиноий жавобгарлигининг асоси - бу жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябр 1994 йил қонуни билан тасдиқланган Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.¹

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги асосан: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш (205-модда); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда); мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда); ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда); пора олиш (210-модда); пора бериш (211-модда); пора олиш беришда во-ситачилик қилиш (212 модда) ва бошқалардан юзага келади.

Давлат хизматчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин:

- а) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
- б) мол-мулкни мусодара қилиш.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент, Адолат, 1998.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жиноий жавобгарлик тушунчаси.
2. Давлат хизматчилари жиноий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Давлат хизматчилари жиноий жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари.
4. Давлат хизматчиларига нисбатан қўлланиладиган жиноий жазо чоралари.

22§. Давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 185-моддасига биноан меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек, жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг гайриҳуқуқий айбли ҳулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, - унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, - иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзо-

лари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал ҳўжалик таваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Агар Меҳнат кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

2) бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкогольли ичимликдан, гиёвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш

ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчига зарар етказишда айбдор бўлган ходим уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли.

Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият беради.

Агар зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида ёзма мажбурият берган ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилса ва зарарни тўлашдан бўйин товласа, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Иш берувчининг розилиги билан ходим етказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.


Иш берувчининг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Моддий жавобгарлик тушунчаси.
2. Давлат хизматчилари моддий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Давлат хизматчилари моддий жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари.
4. Давлат хизматчиларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари.

СХЕМАЛАР

Схема №1







Схема №3






Схема №5








Схема №6









**Давлат хизматчиларининг
мажбуриятлари**

давлат хизматининг мақсадларига ва вазифаларига қатъий риоя қилиш

фуқароларнинг кадр-қимматини ва шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш

ўз фаолиятини доимо такомиллаштириш ва профессионал малакасини ошириб бориш

маъмурий ҳокимият соҳасида қонунийликни таъминлаш

хизмат этикасига риоя қилиш

бошқарув маданияти даражасини ошириб бориш, бошқарув ишига янги замонавий усул ва шакллارни татиқ қилиш

қонун ҳужжатларга таянган ҳолда муножатларни ўз вақтида ва объектив қўриб чиқиш;


қонунчилик билан ўрнатилган иш куни вақтида хизматда бўлиш

давлат ва хизмат сирларини сақлаш

қонунларга, давлат манфаатларига, мансаб кўрсатмаларига асосланиб фаолият кўрсатиш, ваколат доирасига кирувчи давлат органларининг ва юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қарорларини ўз вақтида ва сифатли бажариш

давлат хизматчилари мақоми ва тегишли давлат мансаби билан ўрнатилган бошқа мажбуриятлар

Давлат хизматини ўташ
шароитлари



Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш вазифалари

амалиётда давлат хизмати тамойилларига риоя этиш

давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш

давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш

давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш

давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини қўллаш; интизомни ва жавобгарликни ошириш

давлат хизмати тизимида ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши кураш ва огоҳлантириш

давлат хизмати мувозанатини таъминлаш

давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш

хизматчиларнинг хизмат зинапоясига бўйича ҳаракатланишини таъминлаш

Схема №15





Схема №16



17. Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисидаги 3.07.92 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №6, 1993/
18. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисидаги ЎЗРнинг 9.12.92 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №7, 1993/
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги 6.05.93 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №8, 1994/
20. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги 6.05.93 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №8, 1994/
21. Давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги ЎЗРнинг 7.05.93 й. Қонуни. /ЎЯҚ, № 8, 1994/
22. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги ЎЗРнинг 2.09.93 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №9, 1995/
23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги қонун. /ЎЯҚ, №10, 1995/
24. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги ЎЗРнинг 6.05.94 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №10, 1995/
25. Давлат божхона хизмати тўғрисидаги ЎЗРнинг 29.08.97 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №17, 1998/
26. Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги ЎЗРнинг 29.08.97 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №17, 1998/
27. Кадрлар тайерлаш миллий дастури тўғрисидаги ЎЗРнинг 29.08.97 й. Қонуни. /ЎЯҚ, №18, 1998/
28. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида. /ЎЗР ҳукуматининг қарорлар тўплами. №8, 1997/
29. Туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги ЎЗР Президентининг 26.11.96 й. Фармони. /ЎЗР Президентининг фармонлари. 1995-1999. №4, Т., Адолат, 2000 й./
30. Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги 14.12.2000 й. Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 й.
31. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги 29.08.2001 й. Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 й.

Махсус адабиётлар:

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Тошкент, 1995 й.
2. Алимов Х.Р. Административное право Республики Узбекистан. Учебник, Т., Академия МВД, 1999 г.
3. Административное право: Государственное управление и административное право. М., 1978.
4. Административное право. Учебник. Под. ред. П.Т.Василенкова. М., 1990.
5. Административное право. Учебник. Под. ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000 г.
6. Административное право. Учебное пособие. М., 1985 г.
7. Административное право. Под.ред. Ю.М.Козлова. Москва, 1973 г.
8. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. М., Зерцало, 1996 г.
9. Бахрах Д.Н. Административное право. Москва, 1993 г.
10. Бахрах Д.Н. Важные вопросы науки административного права. Государство и право. 1993 г., №2.
11. Власов В.А., Студенкин С.С. Административное право. Москва, 1959 г.
12. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993 г.
13. Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право. М., Юрист, 1996 г.
14. Манохин В.М. Государственная служба. Москва, 1966 г.
15. Овсянко Д.М. Административное право: учебное пособие. М., Юрист, 1996 г.
16. Стариков Ю.Н. Служебное право. Учебник. Москва, БЕК, 1996 г.
17. Худойбердиева В., Хожиев Э.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2001 й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Атаманчук Г.В. Обеспечение рациональности государственного управления. М., Юрид. лит., 1990 г.
2. Атаманчук Г. В. Государственная служба как сфера управления // Пробл. теории и практики управления. 1992 №4. С.15-21

3. Аппарат управления государства. Ч.2. Москва, 1977
4. Кармолицкий А.А. Административно-правовое регулирование полномочий надведомственного характера. М., 1983 г.
5. Курашвили Б.П. Типология структурных связей в аппарате государственного управления. М., ИГПАН, 1983 г.
6. Радько Т.Н., Толстик В.А. Функции права. Н.Новгород, 1995 г.
7. Фадеев В.И. Муниципальное право России. Москва, 1994г.
8. Федеральный закон «Об основах государственной службы Российской Федерации» от 5 июля 1995 г. (СЗ РФ. 1995. №31. Ст. 2990)
9. Положение о федеральной государственной службе. (СЗ РФ. 1994. №2 Ст.76)
10. Положение о проведении аттестации федерального государственного служащего. (СЗ РФ. 1996. №11. Ст1036).
11. Старилов Ю.Н. Государственная служба в Российской Федерации: Проблемы реформы // Пробл.гос.власти. 1995, с.31-51

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1§. Маъмурий ҳуқуқ ва давлат хизматининг ўзаро муносабати.....	6
2§. Давлат хизматининг тушунчаси ва мазмуни.....	10
3§. Давлат хизматига оид атамалар	23
4§. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳуқуқий асослари	26
5§. Давлат хизматининг тамойиллари	31
6§. Давлат хизматининг вазифалари	35
7§. Давлат хизматининг функциялари тушунчаси ва турлари.....	39
8§. Давлат хизматчилари тушунчаси.....	46
9§. Давлат хизматчилари ҳуқуқий ҳолати тушунчаси	52
10§. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари.....	55
11§. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари	58
12§. Давлат хизматчиларига қўйиладиган этик талаблар	63
13§. Давлат хизматчилари учун чекловлар ва тақиқлар.....	65
14§. Давлат хизматчилари учун қонунчиликда ўрнатилган кафолатлар.....	67
15§. Давлат хизматчиларининг таснифи	69
16§. Давлат хизматини ўташ тушунчаси ва тартиби	76
17§. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш.....	82
18§. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш	88
19§. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги	92
20§. Давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлиги	98
21§. Давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги.....	101
22§. Давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги.....	103
Схемалар.....	107
Адабиётлар	123

ЭРКИН ҲОЖИЕВ

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Мухаррир: М.Болиева.
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.
Мусахҳих: Н.Мирзажонова.
Компьютерда саҳифаловчи: Ф. Нурлибаев.**

**Босишга рухсат этилди: 24.02.04. Ҳажми: 8,1 б.т.
Адади: 500. Буюртма: № 288
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Ташкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.**

